Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 160 (8150). ● 24 август, 1983 йил ● ЧОРШАМБА ● Баҳоси 3 тийин

КАНОП ЎРИШ ВА ТОПШИРИШДА ЮКСАК СУРЪАТГА ЭРИШАЙЛИК

ТОШКЕНТ область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети қайд этадиларки, колхозчиларнинг, совхоз ишчиларининг фидокорона меҳнатлари билан 1983 йилда областда мўл каноп ҳосили етиштирилди.

Каноп ўрим-йиғимини муваффақиятли ўтказиш ва етиштирилган жами ҳосилни тайёрлашда колхозчиларнинг, совхоз ишчиларининг, шунингдек луб заводлари, тайёрлов пунктлари ходимларининг актив иштирок этишларини таъминлаш мақсадида область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети 1983 йил каноп ҳосилини ўриб-йиғиб олиш ва тайёрлашда юксак суръатларга эришиш учун райондар, колхозлар, совхозлар, луб заводлари ва тайёрлов пунктлари ўртасида область социалистик мусобақасини уюштиришга қарор қилдилар. Мусобақа шартлари маъқулланди. (Шартлар газетанинг 3-бетида босилмоқда).

Социалистик мусобақа илғорларини мукофотлаш учун область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг 3 та — райондар учун битта, колхоз ва совхозлар учун битта, луб заводлари ва тайёрлов пунктлари учун битта кўчма Қизил байроғи таъсис этилди.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетлари, район комсомол комитетларига 1983 йил каноп ҳосилини ўриб-йиғиб олиш ва тайёрлашда юксак суръатга эришиш учун район социалистик мусобақаси шартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш топширилди.

Область газеталарида «Ҳурмат тахтаси» таъсис этилди. Унга каноп тайёрлаш йиллик планини муддатидан илгари бажарган райондар, колхозлар, совхозлар ва луб заводлари ёзиб борилади.

«Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» газеталари редакцияларига, область телевидениеси ва радиосига 1983 йил каноп ҳосилини ўриб-йиғиб олиш ва тайёрлашнинг боришини мунтазам ёритиш топширилди.

«ОҚ ОЛТИН» МАВСУМИ ЯҚИН

ПАХТА ТЕРИМИ БОШЛАНАДИГАН ЗАВҚЛИ КУНЛАР ТОБОРА ЯҚИНЛАШМОҚДА. Беповё «оқ олтин» далаларида сўнгги тайёргарлик ишларн кетмоқда. Дефолиация техникаси шайланмоқда, дориворлар старт майдончаларига жамланмоқда, «зангори кема»лар сўнгги кўрикдан ўтказилмоқда, экипажлар бутлиги яна бир карра текшириб кўрилмоқда, «Дала — бункер—тележка—тайёрлов пункти» маршрутлари графиклари ишлаб чиқилмоқда.

Бу йил пойтахт областимиз олтинпазларн она-Ватанга 435 минг тоннадан знёд пахта етказиб бериш учун курашмоқдалар. Улар партия, мамлакат, халқ олдида берган юксак ваъдаларнн тезроқ адо этиш учун, бутун имкониятларни ишга солиш учун ҳозирланмоқдалар. План ва мажбурнятларнн муддатидан илгари бажаришга бел боғлаган илғор райондар, хўжаликлар, участкалар, бригадалар, звенолар ҳар гектар ердан 40—50—60 центнердан дурдона териб олишга аҳд қилмоқдалар.

Ҳозирги кунларимизнинг ўзига хослиги шундаки, бу йилги терим мавсумига тайёргарлик ишлари КПСС Марказий Комитети 1982 йил май, ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумлари қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг оқилона кўрсатмалари асосида олиб борилмоқда. Партия, совет органларимиз истиқболни кўзлаб, изчил ва собитқадамлик билан иш юритмоқдалар ва ўз навбатида ўн биринчи беш йиллик марказий йилининг топшириқларини тўла-тўкис бажариш, СССР Озиқ-овқат программасини рўёбга чиқаришда омма ташаббускорлигини аниқ мақсадлар сари йўналтириш, моддий ва маънавий ресурслардан тадбиркорлик билан фойдаланиш, резервларни кўпроқ қидириб топиш учун астойдил курашмоқдалар.

Шунинг билан бир қаторда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг яқинда эълон қилинган «Республика пахта тозалаш саноати министрлиги корхоналарининг моддий-техника базасини, колхоз ва совхозларни 1983 йил пахта ҳосилини териш ва тайёрлашга шай қилиб қўйиш қандай бораётганлиги ҳақида»ги қарорида ва шу асосда Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети томонидан қабул қилинган қарорда жуда тўғри таъкидлаб ўтилганидек, айрим райондар, хўжаликлар ва пахта қабул қилиб олувчи пунктлар фаолиятида қатор камчиликлар борлиги сир эмас. Қарорда айтилганидек, бегона ўтларни тугатиш учун дуруст курашилмаяпти. Қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига, айниқса, ғўза қуртига қарши кураш суст олиб борилмоқда, баъзи жойларда эса чеканка пайсалга солинмоқда.

Шу боисдан райондар, колхозлар, совхозлар, пахта заводлари ва тайёрлов пунктлари уртасидаги область социалистик мусобақаси шартларига амал қилган ҳолда ҳамма жойда йиғим-терим ишларига ҳозирлик кўришни яна ҳам авж олдириб юборишимиз керак. Дондор колхоз ва совхозларнинг, пешқадам бригада ва звеноларнинг, новатор механизаторларнинг ўтган йилларда тўплаган қимматли тажрибаларини айни шу кунларда ишга солиш ғоят муҳимдир. Областимизда бундай хўжаликлар, бригада ва звенолар, механик-ҳайдовчилар кўп.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, область қишлоқ хўжалик бошқармаси, «Ташоблсельхозтехника», «Ташоблсельхозхимия», «Ташзаготпромпром» бирлашмалари ғўза дефолиациясини белгиланган муддатларда тугаллаш юзасидан, биринчи дефолиациянинг ўзидаёқ ғўза баргларининг тўла тўкилишига эришмоқ учун қўшимча чоралар кўрмоқлари керак. Улардан транспорт воситалари, юк ортиш машиналари, кўрак чувиш агрегатлари, транспорт хизматн ва ёнилғи қўйиш воситалари ремонтини тугаллаш суръатларнни тез кунда ниҳоясига етказиш талаб этилади.

Ҳар бир хўжаликда қўшимча ремонт бригадалари ва звеноларини тузиш, дала ишларидан ҳоли бўлган барча механизаторларни ремонт ишларига жалб этиш, уларга икки сменада ишлаш учун зарур шарт-шароитларни яратиб бермоқ колхоз ва совхоз раҳбарларининг бевосита бурчидир.

Ҳосил тақдирини тўхтовсиз ишлашга мўлжаллаб шай қилингган техника ҳал қилади. Шунинг учун ҳам ҳозирдан бошлаб мавжуд терим машиналарнинг машина-трактор паркларидан олиб чиқиб обкатка қилиш ва механик-ҳайдовчилар билан машқ ўтказиш фақат фойда келтиради. Зотан, терим кунларида юқори унумга эришиш, машина теримида ялпи юксалишни қўлга киритиш механизаторларнинг маҳоратига боғлиқдир. Чунки, «Тошкент технологиясн» теримни машиналар ёрдамида қисқа фўр. сатларда ўтказишни тақозо этади.

Тайёрланадиган «оқ олтин»нинг сифатини оширишга ҳозирдан эътиборни кучайтирмоқ керак. Ҳамма жойда машинада терилган пахтанинг янги давлат стандарти билан топширилиши ҳақида ҳамда хўжаликларнинг пахта сифатини яхшилашдан иқтисодий манфаатдорлигини ошириш борасида партия ва ҳукумат кўзда тутган чоралар тўғрисида ҳамда ҳосил теримида, айниқса, бригада пудрати асосида ишлаётган коллективларда банд бўлган кишиларни маънавий ва моддий рағбатлантириш чораларн тўғрисида кенг кўламда тушунтириш ишлари авж олдириб юборилиши керак.

Пахтани қайта ишлаш ва тозалаш саноатн корхоналарн сифатли маҳсулот тайёрлашни таъминловчи конкрет ташкилий-техникавий тадбирларни пухта ишлаб чиқишлари жуда муҳимдир. Завод ва пункт раҳбарларининг, катта классификатор ва катта лаборантларнинг сифат кўрсаткичларини тўғри белгилашдаги шахсий масъулнятини оширишни ҳозирдан ўйламоқ даркор. Давлат стандартлари талабларидан ҳар қандай чекиниш фавқулодда ҳодиса сифатида баҳоланиши зарур.

Пахта — миллий ғуруримиз, энг қимматбаҳо бойлигимиз, шон-шуҳратимиздир. «Оқ олтин» етиштиришни йил сайин кўпайтириб бориш ва сифатини яхшилаш республикамиз, шунингдек, областимиз пахтакорларининг барча қардош социалистик мамлакатлар олдидаги интернационал бурчидир.

Шунинг учун ҳам жойлардаги партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларининг, хўжалик органларининг бутун ташкилотчилик, сиёсий-тарбиявий ишлари пахтачиликни интенсивлаш ва юқори сортли пахта топшириш мақсадларига бўйсундирилиши, меҳнаткашларнинг куч-ғайратлари социалистик мусобақани янада кенг авж олдириб, партиямиз XXVI съездининг тарихий қарорларини амалга оширишда янги-янги муваффақиятларга эришиш учун курашга сафарбар этилиши лозим.

1983 ИЛГИ ПАХТАМИЗ СИФАТИ, ТОЛАСИ ПИШИҚЛИГИ, САЛМОҒИНИНГ КЎПЛИГИ АВВАЛГИ ЙИЛЛАРДАН АНЧА ЮҚОРИ БЎЛСИН!

ТЕРИМГА ТАЙЁРМИЗ

БИЗНИНГ шароитимизда пахтадан мўл ҳосил олиш анча мураккаб. Лекин чин дилдан, астойдил меҳнат қилган деҳқон ҳар қандай шароитда ҳам юқори сортли «оқ олтин» етиштиради. Буни ўзимизнинг тажрибамиздан ҳам яққол кўриш мумкин. Ҳар йили табиат бизга учун турли қийинчиликлар юзага келтиради. Масалан, бу йил айни уруғлик экилган дамларда ҳаво қуруқ келиб, чигитни сув бериб чиқаришга мажбур бўлдик. Тупроқда нам бўлмаганлиги сабабли бегона ўтларга қарши сепилган гербициднинг таъсири бўлмади. Натижада далаларимизни ўт босди.

Деҳқонларимиз бу қийинчиликларни ҳам мардонавор енгишди. Бегона ўтларга қарши кескин кураш олиб бордик. Тўла гектарлар ҳосил қилиш учун барча имкониятлар ишга солинди. Ҳар гектар ердан 110 минг тупдан кўчат сақлаб қолдик. Кунлар исиши билан парваришни кучайтирдик. Ғўзаларни озиқлантириш, суғориш, ишлов бериш каби тадбирлар юксак сифатли бажарилди. Июнь ойидаёқ минерал ўғитларнинг асосий қисми берилди. Органик ўғитлар билан озиқлантириш давом эттирилмоқда. Маҳаллий ўғит культивация давомида ҳамда суғориш билан бирга шарбат усулида ҳам ғўза қатор ораларига солинмоқда.

Ҳозиргача барча майдонларда олти марта культивация ўтказилди. Механизаторларимиз Душа Ҳошимов, Ҳаким Жўраевлар бу ишда жонбозлик кўрсатмоқдалар. Суғориш билан культивацияни боғлаб олиб боряпмиз. Абдурасул Усмонов, Ҳамзали Ғаниев сингари миришкор сувчиларимиз экинни ўз вақтида оби-ҳаётга қондирмоқдалар. Бизда асосан ғўзаларни тунда суғоришга катта аҳамият берилди.

Маълумки, август ҳосилга-ҳосил қўшиш ойидир. Шунинг учун ҳар туп ғўзани эътибордан четда қолдирмаяпмиз. Уларнинг ҳар бирида 10—12 тадан бўлиқ кўсак бор. Уларни тўла етилтириш учун бутун имкониятларни ишга соляпмиз. Бунинг учун айни кунларда ғўза чеканкаси сифатли тугалланди, ҳар хил зараркунандаларга қарши кураш олиб бориляпти.

Зарбдор йилда 108 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» ҳосили етиштиришга аҳд қилган бригадамиз заршуносларн парвариш билан биргаликда йиғим-теримга ҳам пухта ҳозирлик кўришяпти. Бизга ажратилган барча техника ва механизмлар ремонтдан чиқарилди. Зарур жиҳозлар мавсумга шай. Етиштирилган ҳосилнинг асосий қисмини юқори сортларга топширамиз. Бу бизнинг партиямиз қарорларига амалий жавобимиз бўлади.

У. СУЛТОНОВ,

Бекобод районидаги «Далварзин» совхозининг бригада бошлиғи.

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Оҳангарон район партия комитети КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми қарорлари асосида меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий тарбиялашни янада яхшилашга бағишлаб илмий-амалий конференция ўтказди. Район партия комитетининг секретари Ш. Қаршибоева конференцияда доклад қилди.

Илмий-амалий конференцияда сўзга чиққан халқ депутатлари Оҳангарон шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари В. Г. Себельдина, «Ахангаранцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари А. Акбаров, район агросаноат бирлашмаси партия бюросининг секретари С. Абдураҳмонов, нои маҳсулотлари комбинати партия ташкилотининг секретари П. Е. Моюжосов, 8-темир-бетон буюмлари заводи партия бюросининг секретари Р. Усмонов, «Ғаллақудуқ» совхози партия комитетининг секретари К. Қуттибоев, «Оҳангарон» совхози партия комитетининг секретари С. Каримов социал-иқтисодий ривожланиш вазифаларини ғоявий-тарбиявий ишлар билан узвий боғлиқ ҳолда олиб бориш, сиёсий-тарбиявий ва ташкилотчилик ишлари бирлигини таъминлаш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, социалистик мусобақа самарадорлигини ошириш, аҳоли турар-жойларида оммавий-сиёсий ишларни ташкил этишда партия ташкилотларининг вазифаларн ҳақида гапирдилар. Шунингдек, меҳнаткашларни совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм руҳида тарбиялаш, илмий-атеистик тарбияни кучайтириш масалалари муҳокама этилди.

Конференцияда КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорлари асосида меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий тарбиялашни янада яхшилашга қаратилган тавсиялар қабул қилинди.

ИЛҒОР ПИЛЛАКОРЛАРНИ ҚУТЛАЙМИЗ

ТОШКЕНТ область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари қарорларини бажара бориб, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани кенг кўлоч ёйдириб, пиллачиликни сезиларли даражада ривожлантиришга эришдилар.

Область пиллакорлари 1983 йил социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этдилар. Давлатга рекорд даражада — 2360,1 тонна пилла топширилди. Бу 1982 йилдагидан 198,1 тонна кўпдир. Ҳар қути қурт уруғидан ўртача 73,9 килограммдан «кумуш тола» олинди. Давлатга 84 процентдан кўпроқ сортли пилла топширилди.

Пилла етиштиришни кўпайтириш ва сифатини яхшилашда Бекобод, Тошкент, Калинин, Коммунистик, Бўстонлиқ, Янгийўл, Паркент ва Ўрта Чирчиқ райондари пиллакорлари қўшган ҳисса, айниқса, салмоқли бўлди.

Калинин районидаги «Москва», Куйбишев номли колхозлар ва «Узбекистон ССР 50 йиллиги» совхози, Бекобод районидаги «Победа» ва Ленин номли колхозлар, Бўстонлиқ районидаги «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» колхози ва «Ҳўжакент» совхози, Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз, Коммунистик районидаги «Политотдел» ва Свердлов номли колхозлар, Бекобод районидаги Ойбек номли ва «Далварзин» совхозлари, Тошкент районидаги «Ленинград», Паркент районидаги «Прогресс» совхозлари ва бошқа кўплаб хўжаликлар социалистик мусобақада катта муваффақиятларга эришдилар.

Мўл пилла ҳосили етиштириш ва ўн биринчи беш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажариш область социалистик мусобақаси ташаббускорлари бўлган Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозидан Ўрин Шаропов, Коммунистик районидаги «Правда» колхозидан Любовь Цой, Чиноз районидаги «Узбекистон ССР 30 йиллиги» колхозидан Тожихон Исмоилова, Калинин районидаги «Қорасув» совхозидан Қундуз Отажонова, Паркент районидаги «Паркент» совхоз-заводидан Ўғил Жажкиева, Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхозидан Ҳалима Назаровалар раҳбарлик қилган бригада ва звено коллективлари социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этдилар ва ўн биринчи беш йиллик планини уч йилда бажардилар.

Ипак қуртини парвариш қилишда фан ютуқлари ва илғор тажрибаларни кенг қўллаган уч ярим мингдан зиёд пиллакор ҳар қути қурт уруғидан 100 килограммдан ва ундан ҳам ошириб ҳосил олишди. Пилла етиштиришни кўпайтириш ва сифатини яхшилашда юксак натижаларга эришгани учун Бекобод районн 1983 йил республика социалистик мусобақасининг ғолиби бўлди.

Бироқ, давлатга пилла сотиш юзасидан қабул қилинган социалистик мажбуриятнинг муваффақиятли бажарилганлигига қарамай, областдаги айрим хўжаликлар пилла тайёрлаш планини бажармадилар, давлатга 17 тонна кам пилла бердилар. Оққўрғон районидаги «Партия XXII съезди» ва Ҳ. Олимжон номли колхозлар, Бўстонлиқ районидаги Калинин номли колхоз, Ғалаба районидаги Димитров номли ва «Ленинград» колхозлари, Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» ва «Маданият» колхозлари, Пискент районидаги Свердлов номли колхоз, Ўрта Чирчиқ районидаги «Коммунизм» колхози, Чиноз районидаги «Москва» колхози, Ғалаба районидаги «Коммунизм» совхози ҳамда Ўрта Чирчиқ районидаги ТИИИМСХ ўқув хўжалиги пиллакорлари планни бажаришда, айниқса ортда қолиб кетдилар.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети область пиллакорларининг 1983 йилги социалистик мусобақалари якунларини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди.

Тошкент районига (район партия комитети секретари Толипов, район ижроия комитетининг раиси Худойберганов, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси Тошўлатов, район комсомол комитетининг секретари Ғозиев, бош пилла қуритиш идораси директори Сейфатов ўртоқлар). Бу районда 1983 йил плана тайёрлаш плани 122,3 процент бажарилди, ҳар қути қурт уруғидан 83,9 килограммдан пилла олинди. 88,9 процент пилла давлатга юқори сортларда топширилди.

Байроқ Оржоникидзе районидан олиб берилади.

Калинин районидаги «Москва» колхозига (раиси Сандов, партия комитетининг секретари Ҳикматов, касаба союз комитетининг раиси Қаюмов, комсомол комитетининг секретари Абдуллаев, пиллачилик агротехниги Одилова ўртоқлар). Бу колхозда 1983 йил пилла тайёрлаш плани 175,3 процент бажарилди. Ҳар қути қурт уруғидан 110,7 килограммдан пилла олинди. 90,8 процент пилла давлатга юқори сортларда топширилди.

Байроқ Бўка районидаги Жамбул номли колхоздан олиб берилади.

Бекобод районидаги Ойбек номли совхозга (директори Жўраев, партия комитетининг секретари Ўташев, касаба союз комитетининг раиси Ҳайдаров, комсомол комитетининг секретари Султонов, пиллачилик агрономи Валиев ўртоқлар). Бу совхозда 1983 йил плани 136,9 процент бажарилди. Ҳар қути қурт уруғидан 89,9 килограммдан пилла олинди. 81,4 процент пилла давлатга юқори сортларда топширилди.

Байроқ Оққўрғон районидаги С. Сегизбоев номли совхоздан олиб берилади.


Калинин районидаги «Узбекистон ССР 50 йиллиги» совхозига (директори Азимхўжаев, партия комитетининг секретари Закарьяи, касаба союз комитетининг раиси Калиев, комсомол комитетининг секретари Турунбетов, пиллачилик агротехниги Жамниев ўртоқлар). Бу совхозда 1983 йил пилла тайёрлаш плани 151,3 процент бажарилди. Ҳар қути қурт уруғидан 87 килограммдан пилла олинди. 89,8 процент пилла давлатга юқори сортларда топширилди.

Байроқ Паркент районидаги Калинин номли совхоздан олиб берилади.

Область план бўлимига областнинг илғор пиллакорларига сотиш учун 1983 йил социалистик мусобақаси шартларига биноан 22 та енгил автомашина ажратиш топширилди.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, область касаба союзлари Совети, область қишлоқ хўжалик ҳамда пиллачилик ишлаб чиқариш бошқармалари, мева-сабзавот маҳсулотлари агросаноат бирлашмаси, область қишлоқ, мева-сабзавот хўжаликларн ва тайёрлов органлари ходимлари касаба союзлари область комитетлари, хўжаликларнинг раҳбарлари ва партия ташкилотларига ички хўжалик ва район социалистик мусобақаларига якун ясаш, қолоқ хўжалик ва бригадалардаги пиллачиликни ривожлантириш бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган чоралар белгилаш ва амалга ошириш топширилди.





ТОШКЕНТ-ЖИЗЗАХ-ИВАНОВО

МУСОБАҚА ДАВОМ ЭТАДИ

Мусобақадош областлар халқ хўжалиги айрим тармоқларининг 1983 йил январь—июль ойларидаги асосий иш кўрсаткичлари

САНОАТ			
Ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари— процент ҳисобида	104,2	89,3	103,3
Реализация планининг бажарилиш проценти	101,8	106,9	101,7
Пландан ташқари реализация қилинган маҳсулот — миллион сўмлик	69,8	10,2	69,5
Маҳсулот реализацияси планини бажармаган корхоналар сони	6	1	27
Корхоналар умумий сонига нисбатан процент ҳисобида	1,5	1,5	19,6
Саноат ишлаб чиқариш ходимлари сонининг ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ўзгариши— процент ҳисобида	101,7	111,0	99,1
Меҳнат унумдорлиги планининг бажарилиш проценти	102,1	106,0	101,7
Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари — процент ҳисобида	102,4	80,5	104,2
Меҳнат унумдорлиги планини бажармаган корхоналар сони	8	1	26
Корхоналар умумий сонига нисбатан процент ҳисобида	2,0	1,5	18,8
Барча турдаги калава ишлаб чиқариш — минг тонна	9,2	0,582	178,3
Калава ишлаб чиқариш планининг бажарилиш проценти	99,5	110,9	99,0
Барча турдаги газламалар ишлаб чиқариш — миллион погон метр	122,1	—	1255,6
Газлама ишлаб чиқариш планининг бажарилиш проценти	97,4	—	99,2
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ			
Асосий чорвачилик маҳсулотлари харид қилиш йиллик планнинг бажарилиш проценти, барча категориядаги хўжаликларда пландан ташқари харид қилинганлари ҳам ҳисобга киради.			
Чорва ва парранда	69,1	67,0	60
Сут	60,7	65,4	66
Тухум	56,1	65,1	60

1983 йил январь—июль ойларида колхозлар ва совхозларда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва чорванинг маҳсулдорлиги, тирик вазнда сўйиш учун топширилган асосий чорва ва парранда турлари.

	1983 йил январь — июлида	1982 йил январь—июлига нисбатан процент ҳисобида	
Ялпи соғиб олинган сут (шартномалар бўйича аҳолидан тўпланган ҳам ҳисобга киради)			
1983 йил январь—июлида 1982 йил январь — июлига нисбатан процент ҳисобида	101	109	107
Товуқ тухуми етиштириш			
1983 йил январь—июлида 1982 йил январь—июлига нисбатан процент ҳисобида	108	106	111
Ҳар бир сигирдан соғиб олинган ўртача сут миқдори			
1983 йил январь—июлида 1982 йил январь— июлига нисбатан процент ҳисобида	88	107	104
Ҳар бир товуқдан олинган ўртача тухум миқдори			
1983 йил январь—июлида 1982 йил январь—июлига нисбатан процент ҳисобида	100	97	113
	98	97	100
КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ			
Давлат капитал маблағлари ҳисобига амалга оширилгани			
Капитал маблағ сарфлаш планининг бажарилиш проценти	93	96	87
Қурилиш-монтаж ишлари планининг бажарилиш проценти	93	96	86
Ўй-жой қурилишига капитал маблағ сарфлаш (йиллик планга нисбатан процент ҳисобида)	29	52	49
САВДО			
Давлат ва кооператив савдоси товар оборотн планининг бажарилиши, умумий овқатланиш ҳам ҳисобга киради — процент ҳисобида	96,4	100,8	97,0
Шу жумладан чакана тармоқ товар оборотн	96,0	100,8	97,0
Умумий овқатланиш товар оборотн	100,4	101,2	97,7
АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ			
Маиший хизмат кўрсатиш жами планининг бажарилиш проценти	101,1	100,3	97
Шу жумладан шаҳарларда	100,7	101,4	99,0
Қишлоқларда	101,4	99,8	87

Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхозда маккажўхори ўрим-йиғими қизғин давом этмоқда. Хўжаликнинг Исмоил Бойбўлатов бошлиқ бригадаси аъзолари мавжуд 56 гектар майдондан мўл ҳосил етиштирдилар. Улар гектаридан олинадиган кўк массани 400 центнерга етказиш учун курашмоқдалар. Суратларда: йиғим-теримда фаол иштирок этаётган бригаданинг илғор аъзоси Х. Аширбоев; маккажўхори ўрими авжида.

В. Портнов фотолари.

ХАЛҚ КОНТРОЛИ

8 (256)

* БОҒ-РОҒЛАР ОРАЛАБ
* ПАРРАНДАХОНА ҚУРИЛИШИДА ҲАМКОРЛИК ЙЎҚ
* ЖИДДИЙ СИНОВ АРАФАСИДА
* ТАВБАСИГА ТАЯНДИ

ҲОСИЛ ПОСБОНЛАРИ

— Буни қаранг,— Тўлқин Муҳиддиновнинг фиғони чиқиб кетди.— Инсофсизлик ҳам шунчалик бўладими? Биз ҳар томчи сувни тежаб-тергаб ишлатиш учун жон куйдириняпмиз-у, бу ерда шолипояга сув қўйилгандек ҳаммаёқни кўллатиб юборишибди!

Тўлқин Муҳиддинов аввал қулоқ бошига бориб сувни бекитди, сўнг шериклари — колхоз халқ контроли группасининг аъзолари Амирхон Тошалиев ва Исом Рустамовлар билан картага сув тараётган сувчини қидиришга тушишди. Аммо уни даладан топиб бўлмади. Назоратчилар бироздан кейин шу бригада бошлиғи Равшан Каримовга дуч келдилар.

— Бу қанақаси?— сўради бригадирдан ҳанузгача ўзини босиб ололмаган назоратчи.— Картага сув олгандан кейин кўз-қулоқ бўлиб турмайсизларми?

— Сувчимиз шу атрофда бўлиши керак,— деди бригада бошлиғи.— Уни албатта огоҳлантириб қўяман.

— Йўқ,— деди қатъий равишда Тўлқин Муҳиддинов.— Биз ҳозир акт тузамиз. Уни колхоз правлениеси ва халқ контроли группасига топширамиз. Қандай чора кўришни ўша ерда белгилашади.

— Бригада бошлиғи бу назоратчи билан «келишиб» бўлмаслигини биларди. Шунинг учун у Тўлқин Муҳиддиновнинг эринмасдан сувга бостирилган пахта майдонини аниқлаб чиқишини кузатиб турди. Назоратчилар тузилган актга бригада бошлиғини ҳам имзо чектирдилар.

Эртаси куни колхоз правлениеси, партия комитети, халқ контроли группасининг қўшма йиғилишида назоратчилар ўтказган навбатдаги текшириш якунлари муҳокама этилди. Йиғилишда бригадада фақат ғўзани суғоришдагина эмас, культивацияда, озиқлантиришда ҳам жиддий камчиликларга йўл қўйилаётганлиги айтилди. Бунинг сабаби ғўзанинг кўкига маҳлиё бўлиб, хотиржамликка берилганлиги, меҳнат интизоми бўшашиб кетганлиги эканлиги алоҳида таъкидланди. Бригада бошлиғи ва сувчидан ғўзани кўллатиб суғориш натижасида келтирилган зарарни ундириб олиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Текшириш натижалари ва қўшма йиғилиш қарори «Халқ контроли экрани»нинг навбатдаги сонида эълон қилинди.

НАЗОРАТЧИЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

Тўлқин Муҳиддинов Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхози 11-бригадасининг бошлиғи, моҳир пахтакордир. У бошлиқ бригада деҳқонлари ўн биринчи бешйилликнинг учинчи йилида қўйилаётганлиги айтилди. Бунинг сабаби ғўзанинг кўкига маҳлиё бўлиб, хотиржамликка берилганлиги, меҳнат интизоми бўшашиб кетганлиги эканлиги алоҳида таъкидланди. Бригада бошлиғи ва сувчидан ғўзани кўллатиб суғориш натижасида келтирилган зарарни ундириб олиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Текшириш натижалари ва қўшма йиғилиш қарори «Халқ контроли экрани»нинг навбатдаги сонида эълон қилинди.

Тўлқин Муҳиддинов Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхози 11-бригадасининг бошлиғи, моҳир пахтакордир. У бошлиқ бригада деҳқонлари ўн биринчи бешйилликнинг учинчи йилида 100 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» хирмони уйиш юзасидан олган мажбуриятларига яраша мўл ҳосил етиштиришга қатъий киришган. Бригада бошлиғи ва унинг ўринбосари А. Н. Матвеевга ҳайфсан эълон қилинди. Улар зиммасига аниқланган камчиликларни тезроқ тугатиш бўйича конкрет тадбирлар кўриш вазифаси юклатилди.

БУ — АЛДАШ-КУ!

Бекобод районидаги кўпгина колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассислари чорва қишлови учун зарур миқдорда дағал озуқа тайёрлаш топшириғини суст бажармоқдалар. Ўтказилган текширувлар давомида бир қатор хўжаликларда бу соҳада кўзбўямачиликка йўл қўйилаётганлиги аниқланди.

«Далварзин» совхози раҳбарлари берган маълумотда хўжаликда 2852 тонна сенаж бостирилганлиги маълум қилинган эди. Лекин текширув ўтказилганда улар 1405 тонна оширибёзилганлиги маълум бўлди. Сомон тўплашда ҳам шундай кўзбўямачиликка йўл қўйилган эди.

Хўжалигимиз соҳибкорлари бу йил ҳар қачонгидан ҳам юксакроқ марраларни кўзлашган. Улар СССР Озиқ-овқат программасининг бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида сабзавот ва мева етиштиришни янада кўпайтириш учун курашмоқдалар. Шу кунгача эл дастурхонига 3500 тонна сабзавот, 1700 тонна картошка, 500 тонна мева етказиб берилди.

Ўтиб бораётган ҳар бир кун биз учун ғаниматдир. Шуни ҳисобга олиб вақтдан самарали фойдаланиш, етилаётган ҳосилни пешма-пеш йиғиштириб олишга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Назоратчилар боғлар оралаб ўтказаётган рейдлар давомида ҳосилни талон-тарож қилмай эл дастурхонига тақдим этиш, зиммадаги мажбуриятларни тезроқ бажариш чоралари кўрилмоқда.

Ўтган ойларда далалар, боғлар, фермалар бўйлаб ўндан ортиқ рейд ва текширув ўтказилди. Улар изсиз қолмади. Ҳар бир рейд якуни махсус варақаларда эълон қилинди, айбдорларга нисбатан маъмурий жазо кўрилди, камчиликларни тугатиш бўйича қўшимча тадбирлар белгиланди. Мана энди саб-

ВАҚТНИ ҒАНИМАТ БИЛИБ

завоткор ва соҳибкорлар турлар бўйича маҳсулот етиштириш планлари муваффақиятли бажарилаётганлиги ҳақида бирин-кетин рапорт бермоқдалар. Дастлаб боғбонлар маррага етиб келишди. Улар мева сотиш планини 102 процент адо этишди.

Назоратчиларимиз чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш устида ҳам алоҳида қайғурмоқдалар. Озуқа тайёрлаш даври бошланиши билан уч кишидан иборат мавсумий пост тузилди. Пост аъзолари асосий эътиборни етилган бедаларни талон-тарож қилмай ўз вақтида ўриб-йиғиб олишга қаратмоқдалар. Ўрилган бедапоялар кейин озиқлантириб суғорилмоқда. Натижада беда тезроқ етилмоқда. Кимда-ким молини қаровсиз қолдириб бедаларни пайҳон қилса қаттиқ жазоланмоқда. Ўтган ойларда моллари бедапояга тушиб кетган киши-ларга 500 сўм миқдорида жарима солинди.

Колхозимиз халқ контроли группасининг 21 аъзоси бор. Улар илғор бўйича турли соҳалар бўйлаб ўтказилаётган рейд ва текширувларда актив иштирок этмоқдалар. Айниқса, Қ. Исматов, Н. Кенжаева, Х. Акромов каби жамоатчилар бажараётган ишлар диққатга сазовордир. Улар ўз участкаларида мусобақа голиби бўлиш билан бирга группа ўтказаётган текширувларда ҳам муntазам қатнашмоқдалар. Аниқланган камчиликларни тугатишда сабзавоткор ва соҳибкорларга амалий ёрдам кўрсатмоқдалар.

У. ҒОЙИБОВ,
Оржоникидзе районидаги «Октябрь» колхози халқ контроли группасининг раиси.



Газалкент консерва заводи янги ҳосилдан маҳсулот ишлаб чиқаришга киришди. Далалардан ва боғ-роғлардан келтирилаётган ноз-неъматлар бу ерда қайта ишланиб мамлакатимизнинг олис ўлкаларига юборилмоқда. Завод халқ назоратчилари тайёрланаётган шарбатлар, мурабболар, тузламалар сифати устида алоҳида қайғурмоқдалар.

Суратда: халқ контроли группаси аъзоларидан Тамара Винокурова ва Флора Отажонова жўнатиш учун тайёрланган маҳсулотлар сифатини синчковлик билан кўздан кечирмоқдалар.

В. Сироткин фотоси.

ЖОЙИДА ҲАЛ ЭТИЛДИ

Теплица ишчиси Санда Камолова идорага кириб келганида халқ контроли бош группасининг йиғилиши давом этаётган эди.

Айни муддао бўлди, ўзича ўйлади Санда ва йиғилишда тракторчиларнинг техника хавфсизлиги қоидаларини бузаётганликлари тўғрисида гапириб берди.

— Мана, яна бир ташвишли сигнал, — деди йиғилишда Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси халқ контроли группасининг раиси Р. И. Бабаянц. — Қаранг, пуркагичларнинг техника ҳолати текширилмаган, ишловчилар эса махсус кийимлар ва муҳофаза воситалари билан таъминланмаган экан. Ҳозироқ махсус комиссия тузишимиз ва текширув ўтказишимиз керак.

Текширув давомида маълум бўлди. Икки нафар тракторчи эса медицина кўригидан ўтишмаган эди. Носир Шокиров бригадасида заҳарли химикатлар очиқ жойда сақланмоқда. Автопарк ҳовлиси санитария талабларига жавоб бермайди.

Рейд натижаси бўйича акт ёзилиб, илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарларига юборилди. Эртасига марказий экспериментал база ходимларининг навбатдан ташқари ишлаб чиқариш мажлиси ўтказилди. Унга айбдорлар ҳам чақирилди. Муҳокама жиддий бўлди. Йўл қўйилган камчиликларни зудлик билан тугатиш бўйича ҳар бир ишчига конкрет топшириқлар берилди. Шу бўйи ишлар юришиб кетди.

Мажлисда дала шийпонлари аҳволини яхшилаш, уларни рўзғор ҳўжалиги буюмлари билан тўла таъминлаш, бригадаларда маданий-оқартув ишларини жонлантириш бўйича чора-тадбирлар кўриш вазифалари ҳам белгиланди.

Назоратчилар ўтган ойларда 12 марта мана шундай текширув ўтказдилар. Уларнинг тўрттаси план ва мажбуриятларнинг бажарилишига бағишланди. Моддий ресурсларни тежаш, янги технологияни жорий этиш, маҳсулот сифатини ошириш бўйича ҳам қатор самарали рейдлар ўтказилди. Кўзланган нуқсонлар жойида тугатилмоқда, ривожланишнинг амалий чоралари кўрилмоқда.

Т. ИСЛОМБОЕВА,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» БОНГ УРАДИ

ЖЎЖАНИ ҚАЧОН САНАЙМИЗ?

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленумидан сўнг областимиз территориясида ҳам қатор объектлар қурилиши белгиланди. Айниқса, Озиқ-овқат программасини амалга ошириш йўлида хизмат қиладиган объектлар қурилиши авж олдирилди.

Ўрта саройда қурилаётган паррандачилик комплекси ҳам Озиқ-овқат программасини амалга ошириш йўлидаги муҳим объектлардан бири бўлиб қолиши керак эди. Бу комплекснинг биринчи парранда чилик фабрикаси йилига 6 миллион бройлер тайёрлашга мўлжалланган. Бундан ташқари, унинг ёнгинасида 100 минг бош парранда боқиладиган ферма қурилмоқда. Норматив планларга кўра бу комплекс яқин кунларда — 1984 йили тўла қувват билан ишлай бошлаши керак. Планда шундай... Лекин ҳолва дегани билан оғиз чучимагандек, бунинг учун аввал 44 миллион сўмлик капитал маблағни ўзлаштириш лозим. Ана шу вазифани қишлоқ қурилиш министрлигига қарашли 21-механизациялашган кўчма колонна бинокорлари ўз зиммаларига олишган.

— Айни пайтда жўжаларни парвариш қилиш зонаси ишлаб турипти, — дейди фабрика директори Равил Галиуллин.— Бу ерда Венгрия Халқ Республикасидан келтирилган 63 минг дона жўжа парвариш қилинмоқда. Комплекснинг бу участкаси шу йили тўла қувват билан ишга туширилди. Хомаки ҳисобларга кўра шу йилнинг охиригача 2 миллион 400 минг бош жўжа парваришланиб, йил охиригача юзлаб тонна товуқ гўшти етказиб берилади.

Комплексда қозон цехи, иссиқлик ва сув билан таъминлаш участкалари фойдаланишга тахт қилиб қўйилди. Тозалаш қурилмалари шу йилнинг октябрь ойида фойдаланишга топширилади. Бундан ташқари, шу йили фойдаланишга топширадиган бир қатор бошқа объектлар зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Афсуски, айрим қурилиш ташкилотларининг оқсаши натижасида комплекснинг қатор бошқа ишлаб чиқариш участкалари қурилиши ўлда-жўлда.

Қишлоқ қурилиш министрлиги 23-трестига қарашли 72-механизациялашган кўчма колонна қурувчилари барча объектлардаги пардозлаш ишларини бажаришлари лозим. Афсуски, колонна коллективи турли баҳоналар билан графикда белгиланган ишларни ўз вақтида поёнига етказишмаяпти. Шу трестнинг турар-жой қурилишларини бажараётган 43-механизациялашган кўчма колоннаси ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Ишга масъулиятсизлик билан ёндошиш натижасида коллектив қурувчилари етти ойлик давлат планларини базўр 68,8 процентга бажардилар. Натижада қатор объектлар фойдаланишга топширилмай қолди. Трест маъмурияти Тошкент паррандачилик комплекси Озиқ-овқат программасини амалга оширишга мўлжалланган областимиздаги асосий объектлардан бири эканлигини унутганга ўхшайди чоғи. Ундай бўлмаса қурувчилар бу объектларнинг қурилишини жадаллаштириб, тез орада графикка тушиб олишлари лозим. Шундагина аҳолига бир неча юз тонналаб озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берадиган объект ўз вақтида маҳсулот бера бошлайди.

А. УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

ЁЗДА ИССИҚ, ҚИШДА СОВУҚ

Болаларнинг истаги билан яқинда «Ғалаба» кинотеатрига тушмоқчи бўлдик. У ерда «Горо» деб номланган япон фильми намойиш қилинаётган экан. Бу кинотеатрда қишда ҳам бир бўлгандим. Ўшанда совуқдан этим жунжикиб касал бўлиб чиққан эдим. Иссиқ пайтида қандай бўлар экан деб ноилож рози бўлдим.

Кутиш зали ниҳоятда дим эди. Чанқоқни босиш учун буфет томон юрдик. У ерда илиқ лимонаддан бўлак ҳеч нарса йўқ. Нохуш залга кирдик. Одамлар эндигина чиқиб кетишган экан. Вентилятор йўқлиги учун ҳам ичкари ниҳоятда дим. Полда сувдан бўшаган шишалар, қоғоз парчалари ётарди. Яқин орада бу ерга супурги текканга ўхшамасди.

Кинога келганларнинг кўпчилиги янгийўллик ёшлар эди. Улар стулларни тарақлатиб, ўзларига ортиқча эрк бериб киришарди. Шу ўринда томошабинлар маданиятини ошириш зарурлигини ҳис этдим. Бу соҳада пойтахт кинотеатрларида маълум тажриба тўпланган. Ҳар сеанс олдидан репродуктор орқали томошабинларга мурожаат қилинади. Улар мавжуд жиҳозларни авайлашга, теварак-атрофни озода сақлашга, тартиб бузмасликка даъват этилади. Бу тўғри усул. Чунки кищи кинотеатрга маданий хордиқ чиқаргани, маънавий бойлик олгани келади. Янгийўл шаҳридаги «Ғалаба» кинотеатрида эса бунинг аксини кўрдик.

Кинотеатр Улуғ Ватан урушида қозонилган ғалаба шарафига қурилган эди. У пайтда бинони қишда иситиш, ёзда вентиляция билан жиҳозлаш устида қурувчилар камроқ ўйлашган бўлса ажаб эмас. Ҳозир эса қўшимча ускуналарни монтаж қилиш, томошабинлар учун қулай шароит яратиш имкониятлари бор. Лекин шаҳар маданият бўлими, кинотеатр маъмурияти бу соҳада кам ўйлаяпти. Шаҳардаги ягона шу кинотеатрни ҳар жиҳатдан намунали ҳолга келтириш вақти келмадимикан? Бу ҳақда область маданият бошқармаси раҳбарлари нима дейишаркин?

Х. МИРЗАКАРИМОВ,
ўқитувчи.

ОБЛАСТЬ ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

ШАРТНОМАЛАР БУЗИЛМАСИН

«Узирмаш» бирлашмаси экспериментал ихтисослашган ремонт ишлаб чиқариш корхонаси марказий базаси кейинги йилларда план интизомини мунтазам равишда бузиб келмоқда. Ўтган йили 6 тур бўйича кўрсаткичлар бажарилмай қолди. 1983 йилнинг биринчи ярмида эса турлар бўйича кўрсаткичнинг 8 таси адо этилмади. Бир йил ичида буюртмачиларга 104 та насос, 85 минг сўмлик эҳтиёт қисмлари кам етказиб берилди. Қолоқлик ҳамон давом этмоқда.

Корхонада планларни йил сайин камайтириш ҳоллари тез-тез учраб турибди. 6-цех учун белгиланган планларга ўтган йили бир неча марта тузатиш киритилиб, маҳсулот ишлаб чиқариш 50 минг сўмликка камайтирилди. Корхонада ёнилғи-мойлаш материалларини сақлаш ва улардан тежаб-тергаб фойдаланиш ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Машиналарга бензин пақирлаб қуйилади. Бу усулда ёнилғининг исроф бўлиши табиийдир. Марказий база директори И. А. Пророков ишлаб чиқариш кўрсаткичлари билан қизиқмайди, камчиликларни тугатиш бўйича таъсирчан чоралар кўрмайди. Бундан шартнома тузган корхоналар азият чекмоқдалар. Улар планлаштирилган маҳсулотларни ўз вақтида ололмай сарсон бўлмоқдалар.

Область халқ контроли комитети мажлисида план интизомини бузаётган ва шартнома мажбуриятларини бажармаётган марказий база директори И. А. Пророков ва унинг ўринбосари А. Н. Матвеевга ҳайфсан эълон қилинди. Улар зиммасига аниқланган камчиликларни тезроқ тугатиш бўйича конкрет тадбирлар кўриш вазифаси юклатилди.

БУ — АЛДАШ-КУ!

Бекобод районидаги кўпгина колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассислари чорва қишлови учун зарур миқдорда дағал озуқа тайёрлаш топшириғини суст бажармоқдалар. Ўтказилган текширувлар давомида бир қатор хўжаликларда бу соҳада кўзбўямачиликка йўл қўйилаётганлиги аниқланди.

«Далварзин» совхози раҳбарлари берган маълумотда хўжаликда 2852 тонна сенаж бостирилганлиги маълум қилинган эди. Лекин текширув ўтказилганда улар 1405 тонна оширибёзилганлиги маълум бўлди. Сомон тўплашда ҳам шундай кўзбўямачиликка йўл қўйилган эди.

ЧЎМИЧГА ЧИҚМАЙДИ

Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради деганларидек, жамғарилган озуқани ошириб ёзишда, «Партия XXV съезди», «Авангард», Ойбек номли совхозлар ҳам «рекорд» қўймоқдалар. А. Мавлонов номли совхозда ўтказилган текширув давомида жамғарилган дағал хашак 358 тонна оширибёзилганлиги маълум бўлди.

Колхозларда ҳам ўз-ўзини алдаш давом этмоқда. «Победа» колхози раҳбарлари берган ҳисоботда 1,5 минг тонна сенаж бостирилди дейилган эди. Лекин ўлчаб кўрилганда бостирилган мавжуд сенаж 277 тонна кам чиқди. Табиий ўтлардан жамғарилган озуқага ҳам 343 тонна қўшиб ёзилган эди.

Умуман халқ назоратчилари ўтказган текширув давомида район бўйича жамғарилган жами озуқанинг 11 процентги қоғозда бору, амалда йўқ бўлиб чиқди. Район раҳбарлари ҳам, мутахассислар ҳам бундай аҳвол билан келишиб келаётганликлари кишини ажаблантиради. Область халқ контроли комитети озуқа жамғаришда йўл қўйилаётган кўз бўямачиликни қаттиқ қоралади. Ҳисоб-китоб устидан назоратни бўшаштириб юборган район қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи Ў. Исабоевга ҳайфсан эълон қилинди. Бошқа хўжалик раҳбарлари ҳам тегишли жазоларини олдилар.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ материалларидан ИЗИДАН

«БИРИДА ЯХШИ, БИРИДА АКСИ»

Юқоридаги сарлавҳа остида берилган рейд материалида Бўка районидаги «Ленинизм» ва Ҳамза номли колхозлар дала шийпонидаги аҳвол таҳлил этилган эди. Текширув ўтказилган кунларда шийпонларнинг бир қисми мавсумга намунали тайёрланганлиги, бир қисми эса ҳамон эскича ҳолда эканлиги маълум бўлган эди.

Мақола юзасидан Бўка район Совети ижроия комитети раиси С. Абдужабборовдан жавоб олдик. Унда айтилишича рейд материалида кўрсатилган камчиликлар тўла тасдиқланган. Мақола ҳар иккала хўжаликда муҳокама қилиниб, дала шийпони ремонтини тезлаштириш, уларни зарур инвентарлар билан жиҳозлаш бўйича шошилинч чоралар кўрилган. Шийпонларнинг теварак-атрофи ободонлаштирилиб, маданий дам олиш зонаси яратилган.

Қишлоқ хўжалик ишлари қизғин бораётган ҳозирги кунларда хўжаликлардаги ҳар бир дала шийпони деҳқоннинг иккинчи уйига айланган. Колхоз раисларининг маданий-маиший ишлар бўйича ўринбосарлари шийпонларда олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишларни янада жонлантириш устида ғамхўрлик кўрсатмоқдалар.

ГАП ЭГАСИНИ ТОПАДИ



— Ҳой ука, нима қиляпсан, бу ер ахир ахлатхона эмас-ку.

— Нима деяпсиз, мен қурилишга ғишт келтирдим.

— Кўплаб электр қувватини тежаб қолаётгани учун монтёр Қораев пул мукофоти билан тақдирлансин.

— Ҳайронман, боғдорчиликдан келаётган даромадга ҳеч барака кирмаяпти-да.

Рассом А. ХОЛИҚОВ.

КАНОП ЎРИМИДА ВА ДАВЛАТГА ТОПШИРИШДА ЮКСАК СУРЪАТГА ЭРИШИШ ЮЗАСИДАН

РАЙОНЛАР, КОЛХОЗЛАР, СОВХОЗЛАР, ЛУБ ЗАВОДЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ОБЛАСТЬ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИ

ШАРТЛАРИ

ТОШКЕНТ область саноат ҳамда қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май ва ноябрь, 1983 йил июнь Пленумлари қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ютоқ Ю. В. Андроповнинг кўрсатмаларини бажара бориб, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, 1983 йил ва умуман ўн биринчи беш йиллик планларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига актив қўшилдилар.

Колхозчиларнинг, совхоз ишчиларининг фидокорона меҳнатлари билан область далаларида давлатга каноп сотиш юзасидан 1983 йил учун қабул қилинган юксак социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш имконини берадиган даражада мўл ҳосил етиштирилди.

Колхозчиларнинг, совхоз ишчиларининг, луб заводлари ва тайёрлов пунктлари коллективларининг каноп ўрим-йиғимини эрта ва қисқа муддатларда муваффақиятли ўтказиш ҳамда етиштирилган жами ҳосилни тайёрлашда актив иштирок этишларини таъминлаш мақсадида область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитети областнинг 320 минг тонналик каноп ҳосили учун курашнинг сўнгги босқичида юксак суръатларга эришиш юзасидан районлар, колхозлар, совхозлар, луб заводлари ва тайёрлов пунктлари ўртасидаги социалистик мусобақанинг қуйидаги шартларини эълон қилади.

СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚА ҚАТНАШЧИЛАРИ

СОЦИАЛИСТИК мусобақада колхозлар, совхозлар, луб заводлари, тайёрлов пунктлари ва районлар иштирок этадилар.

Канопни ўриш ва тайёрлаш бўйича беш кунликда энг юқори ўсишга эришган колхозлар, совхозлар, луб заводлари, тайёрлов пунктлари ва районлар социалистик мусобақа ғолиби бўладилар.

МУСОБАҚАГА ЯКУН ЯСАШ ТАРТИБИ

КОЛХОЗЛАР, совхозлар, луб заводлари, тайёрлов пунктлари ва районлар ўртасидаги социалистик мусобақага 20 августдан бошлаб ҳар беш кунда ва мавсум натижасига қараб якун ясалади.

МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ

ИЛҒОР колхозлар, совхозлар, луб заводлари, тайёрлов пунктлари ва районларни мукофотлаш учун область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг 3 та, шу жумладан, районлар учун битта, колхоз, совхозлар учун битта, луб заводлари ва тайёрлов пунктлари учун битта кўчма Қизил байроғи таъсис этилди.

Кўчма Қизил байроқлар билан бирга қуйидаги мукофотлар ажратилади:

районлар, колхозлар, совхозлар, луб заводлари ва тайёрлов пунктларига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун биттадан енгил автомашина;

социалистик мусобақа илғорларини мукофотлаш учун қуйидаги миқдорда пул:

районларга — 500 сўм,

колхоз ва совхозларга — 300 сўм.

луб заводлари ва тайёрлов пунктларига — 200 сўм.

Каноп ўримида ва давлатга топширишда юксак суръатга эришиб, хом ашёнинг сифатли бўлишини таъминлаётган хўжаликларда каноп пўстлоғини ажратадиган ЛС, ЛО-1, ЛО-1А машиналари КУ-0,2 каноп ўрадиган комбайнларни юксак унум билан ишлатиш мақсадида мусобақа ғолиблари районлар ва хўжаликлар учун ажратилган қимматбаҳо совғалар билан мукофотланадилар.

Каноп топшириш ва тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарган колхозлар, совхозлар, луб заводлари, тайёрлов пунктлари ва районлар «Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» газеталари саҳифаларидаги «Ҳурмат тахтаси»га ёзиладилар.

МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИНИ МУКОФОТГА ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ

ИЛҒОР колхозлар, совхозлар, луб заводлари, тайёрлов пунктлари, районлар область статистика бошқармаси, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси, «Ташзаготлубпром» бирлашмаси, область қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифати бўйича давлат инспекцияси томонидан 20 августдан бошлаб ҳар беш кунда мукофотга тақдим этиб борилади.

Каноп ўрими тугаб, етиштирилган жами ҳосил давлатга топшириб бўлингани дан сўнг область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари гектаридан энг юқори ҳосил олган, давлатга каноп сотишни кўпайтиришда яхши натижага эришган ва хом ашё сифатининг юқори бўлишини таъминлаган битта каноп экадиган хўжаликда ва районда, каноп тайёрлашда юксак суръат ва сифатга эришган, тайёрланган канопни ғарамларга тўғри жойлаштириб, устини ёпиб қўйган, каноп ўримини ва қайта ишлашни уюштиришда ҳамда давлатга топширишга тайёрлашда хўжаликларга мунтазам ёрдам кўрсатган битта луб заводи ёки тайёрлов пунктида доимий сақлаш учун қолдирилади.

Каноп ўримида ва давлатга топширишда юксак суръатга эришиб, ҳом ашёнинг сифатли бўлишини таъминлаётган хўжаликларда каноп пўстлоғини ажратадиган ЛС, ЛО-1, ЛО-1А машиналари КУ-0,2 каноп ўрадиган комбайнларни юксак унум билан ишлатиш мақсадида мусобақа ғолиблари районлар ва хўжаликлар учун ажратилган қимматбаҳо совғалар билан мукофотланадилар.

Каноп топшириш ва тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарган колхозлар, совхозлар, луб заводлари, тайёрлов пунктлари ва районлар «Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» газеталари саҳифаларидаги «Ҳурмат тахтаси»га ёзиладилар.

МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИНИ МУКОФОТГА ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ

ИЛҒОР колхозлар, совхозлар, луб заводлари, тайёрлов пунктлари, районлар область статистика бошқармаси, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси, «Ташзаготлубпром» бирлашмаси, область қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифати бўйича давлат инспекцияси томонидан 20 августдан бошлаб ҳар беш кунда мукофотга тақдим этиб борилади.

Каноп ўрими тугаб, етиштирилган жами ҳосил давлатга топшириб бўлингани дан сўнг область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари гектаридан энг юқори ҳосил олган, давлатга каноп сотишни кўпайтиришда яхши натижага эришган ва хом ашё сифатининг юқори бўлишини таъминлаган битта каноп экадиган хўжаликда ва районда, каноп тайёрлашда юксак суръат ва сифатга эришган, тайёрланган канопни ғарамларга тўғри жойлаштириб, устини ёпиб қўйган, каноп ўримини ва қайта ишлашни уюштиришда ҳамда давлатга топширишга тайёрлашда хўжаликларга мунтазам ёрдам кўрсатган битта луб заводи ёки тайёрлов пунктида доимий сақлаш учун қолдирилади.

БЎСТОНЛИҚДАН ХУШХАБАР

НАВБАТ—МАЖБУРИЯТГА

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май Пленумида тасдиқланган СССР Озиқ-овқат программасининг муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш, эл дастурхонига мўл-кўл қишлоқ хўжалик маҳсулотларн етказиб бериш йўлида тер тўкаётган Бўстонлиқ район механизаторлари катта ғалабага эришдилар. Давлатга 6 минг 20 тонна картошка етказиб берилиб, йиллик план бажарилди. Ҳар гектар ердан ўртача 166 центнердан картошка кавлаб олинди.

Калинин номли, Карл Маркс номли колхозларда, «Ҳўжакент», «Бўстонлиқ» совхозларида, айниқса, картошкадан мўл ҳосил етиштиришга эришилди. Бу хўжаликларнинг миришкорлари ҳосилдорликни 180—200 центнерга етказдилар.

Район боғбонлари ҳам йиллик планни муддатидан илгари бажаришди. Она-Ватанга 6700 тоннадан ортиқ ҳўл мева топширилди. Айни кунларда ҳам шаҳарликлар дастурхонига кунига 300 тоннадан сарҳил мева етказиб берилмоқда. Умуман, район бўйича яна 4 минг тонна картошка, 3500 тонна ҳўл мева тайёрланади.

А. РАҲИМБЕРДИЕВ.

ДАЛА ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

АВГУСТ ПИЁЗИ

Бу йил ёз ҳар йилдагидан иссиқ келиб, сабзавот экинларининг ривожи бирмунча суст бўлди. Шунинг учун ҳам ўртаги экинлардан помидор, қалампир, бақлажон, бодрингларга қўшимча ишлов бериш зарур. Ҳар теримдан сўнг сув қўйиш, қатор ораларини бегона ўтдан тозалаш ва культивация қилиш талаб этилади.

Шу кунлардаги яна бир муҳим вазифалардан бири август пиёзини экиб тамомлашдир. Экишдан илгари далаларни экин қолдиқлари ва бегона ўтлардан, албатта, тозалаш керак. Ернинг нами етарли бўлгач, ҳайдаш ва борона қилиш зарур. Пиёз уруғини СОН-2,8 маркали сеялкада сепиш тавсия этилади. Ҳар гектар ерга 16—20 килограммдан уруғ сарфлаш норма ҳисобланади. Уруғлар 1,5—2 сантиметр чуқурликка тушиши керак. Август пиёзини сепиш иссиқ кунларга тўғри келади. Шунинг учун ҳам уруғ бир текис униб чиққунга қадар кетма-кет икки-уч марта суғориш лозим. Чунки ёш майсалар вақтида сувга қонидирилмаса қуёш таъсирида баргининг учи сарғайиб ўсишдан тўхтайди. Уруғ унниб чиқиб, майсалар ўзини тутиб олгандан кейин ҳам тупроқни доимо нам ҳолда сақлаш лозим.

Такрорий экилган сабзи, ош лавлаги, бодрингларни ўтдан тозалаб, атрофини юмшатиб туриш шарт.

Бу йил ҳавонинг тез-тез ўзгариб туриши натижасида помидор ва бодринг экинларини авжи суст бўлди. Баъзи хўжаликларда бу экинларга касалликлар тушмоқда. Шунинг учун ҳам помидорни ҳар сувдан сўнг, албатта, культивация қилиш лозим.

Помидор, бодринг палагида пишган ҳосил узоқ туриб қолса янги гул ва мева ҳосил бўлишн қийинлашади. Шунинг учун ҳам етилган ҳосилни пешма-пеш йиғиб олиш гоятда муҳим аҳамиятга эгадир. Бу — ҳосилдорликни оширишнинг резервларидан ҳисобланади. Ҳар гектаридан 50—60 тоннадан кечки карам ҳосили олиш учун энг аввало бу экинни ҳашаротдан эҳтиёт қилиш ва шу билан бирга ўсиш даврида гўнгни шарбат қилиб оқизиш лозим. Сабзидан мўл ҳосил олиш учун эса уруғ униб чиқиб, 4—5 сантиметрлик майса ҳосил бўлгунга қадар сувдан қолдирмаслик ўтдан вақтида тозалаш, ўсимлик орасини 5—6 сантиметр кенгликда ягана қилиш тавсия этилади.

С. МАҲКАМОВ,
сабзавот, полиз ва картошкачилик илмий-текшириш институтининг катта илмий ходими, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

ҲАР ИШНИ БИЛИБ ҚИЛИНГ

АБДУРАУФ ака саҳарлаб Қоранкўлга йўл олди. Далани айланди. Асли ўзи Қоранкўл совхоз территориясида кўп касал тушадиган зона. Кўлли жойлар, зах... Ҳашарот кўп бўлади. Устига устак ўт кўп чиқади.

У пахтазорни эътибор билан оралади. Оббо!.. Картанинг юқори қисмига ўргимчаккана тухум қўйипти. «Группа тўғри ахборот берган экан», кўнглидан ўтказди у.

Бир кун аввал кечга томон Бекобод районидаги «Партия XXV съезди» совхозининг бош агрономи, «Коммунист» қишлоқ Совети ҳузуридаги қишлоқ хўжалик бўйича доимий комиссия раиси Абдурауф Бобоев аъзолар билан сессияга тайёрлаётган докладни муҳокама қилишаётган эди. Шу дамда телефон жиринглади ва Абдурауф акани чақиришди.

— Кечирасиз, муҳокамага етиб бора олмадик,— трубкадан овоз эшитилди.— Қоранкўлдаги бир қисм ғўзаларга ўргимчаккана тухум қўйипти. Ҳа, журналда белгиладик. Ҳар бир қарични синчиклаб қарадик. Таҳминан 100 квадрат метр атрофида. Қоронғу тушгунгача ҳаммаёқни текширувдан ўтказдик.

Телефон қилган совхоз комсомол комитетининг секретари, доимий комиссиянинг аъзоси Раимжон Мирзақулов эди. Унинг айтишича бу ерда ҳашаротга қарши курашувчи назорат группалари тузилган. Режа шундайки, группалар ўзларига бириктирилган карталарда ҳар уч кунда камида бир марта албатта бўладилар, ҳашарот тушган бўлса тез аниқланади ва қарши кураш чоралари кўрилади.

Доимий комиссия раиси Абдурауф Бобоев далани айланаркан, назорат группасининг Қоранкўлни яхши текширгани, ўргимчаккана тухум қўйган жойлар белгиланганини аниқлаб, кўнгли анча тасқин топди. Бу зона энди алоҳида назоратда бўлади. Уч-тўрт кун ўтгач, тухум жонланаётган пайтда тезда дориланади ва ўргимчаккана шу билан қуритилади. Агар вақт ўтказиб юборилса борми, унда чатоқ бўларди. Бир капалак 700 тагача тухум қўяди. Ундан чиққан шунча қурт эса 4 мингдан ортиқ кўсакни тешади.

Умуман, бу зонани эплаштириш қийин бўлиб келган. Совхоз территориясида энг паст ҳосил шу ердан олинарди. Доимий комиссия аъзолари Қоранкўлда ҳосилдорликни ошириш йўлида кўп ишларни қилди. Депутатлар ер шароитини ўрганиб, тавсиялар ишлаб чиқишди. Ниҳоятда ўтган йили ҳар гектар ердан 35 центнердан «оқ олтин» етказилди. Бу йил Қоранкўлдаги Муроджон Мамажонов бошлиқ бригада 40 центнерлик маррани мўлжаллаяпти.

Бу бригада ерлари захкаш жойлар бўлса, биринчи-иккинчи бўлимда эса сувга эҳтиёж кўпроқ сезилади. Айниқса, сув камроқ бўлаётган кейинги йилларда сувнинг камчиллиги сезиляпти. Сувга тўймаган ғўза эса яхши шоналамайди. Ҳатто гулини ҳам тўкиб юборади. Шунинг учун кейинги йилларда оқава, зах сувли жойларга насослар ўрнатила бошланганди.

Доимий комиссиянинг йиғилишларидан бирида совхознинг инженер-ирригатори, доимий комиссия аъзоси Қобилжон Мусаев насослардан воз кечиш таклифини киритди. Аввалига бу мулоҳаза анча тортишувга сабаб бўлди. Таклиф тажрибада ўзини оқлади. Янгилик шундан иборат эди: ҳар бир бўлимдаги катта ариқларни бетонлаш ва шунинг ҳисобига сувни тежаш. Ўтган йили 1-бўлимдаги Жўнариқнинг саккиз километри бетонлаштирилди. Натижада ҳар секундига 500 литр сувни оқавадан чиқариб берувчи насосга ҳожат қолмади. Келаётган сув эҳтиёжга етди. Бу йил эса 2-бўлимда бу тажриба қўлланган эди, натижа эса кўзда тутилганидан ҳам яхши бўлди. Пахта йиғим-теримидан сўнг 4—5-бўлимлардаги катта ариқлар ҳам бетонланади.

Ҳисоб-китоб шуни кўрсатдики, ҳар бир насосга суткасига кетадиган бир тонна солярка тежаладиган бўлди. Энди насосга қара, эҳтиёж қисм, ёнилғи келтир, созла деган оворагарчиликлардан халос бўлинди.

Доимий комиссия аъзоларининг чигит экишдаги янгилиги кўчатлар сонининг бут бўлиши ва ҳосилдорликни оширишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Илгари чигит юмшатилган текис ерга экилар ва биринчи сувдан кейин пушта олинар эди. Маълумки, Бекобод шамоли ернинг устки қавати намини кўтариб кетади. Шунинг учун ғўзага ернинг нами камлик қилади ва бир текис униб чиқмайди. Айрим вақтларда яккам-дуккам қолиб, қайта экишга ёки кейинроқ қўшимча экишга тўғри келарди. Бунинг натижасида гектарида кўчат нормадагидан кам бўлар, кейин қўшимча экилганда ғўзанинг ривожи ҳар хил бўлиб ишлов бериш, озиқлантиришда қийинчиликлар туғилар эди. Бунинг устига эса қанча ортиқча маблағ, вақт сарфланарди. Янги усул билан, яъни аввал ариқ олиб ерни суғориб экилганда чигит шу сувга тезда бир текисда униб чиқа бошлади.

Ҳа, қишлоқ Совети ҳузуридаги доимий комиссия пахта ҳосилдорлигини ошириш йўлида жуда кўп ишларни қилмоқда. Қатор илғор тажрибалар ишлаб чиқаришга тезкорлик билан жорий этилмоқда.

Абдурауф Бобоев кўпинча Абдуғани Тоҳматов раҳбарлик қилаётган илғор 5-бўлим пахта усталарининг тажрибаларини бошқа бўлим ва бригадаларга тавсия этади.

Абдурауф ака суяги пахта даласида қотган уста пахтакорнинг сўзларини суҳбатларда тез-тез такрорлаб туради. Айниқса ғўза ҳосилга кирган айни дамларда пахтакор ҳар бир туп ғўзанинг аҳволини билиши керак...

Абдурауф Бобоев кун бўйи дала оралади, сув тепасига борди, ғўзаларга қандай ишлов берилаётгани, ўғитланаётганини назоратдан ўтказди. Ечилиши қийин бўлаётган жумбоқларни бригадирлар билан биргаликда ечди, уларга маслаҳатлар берди.

Чор атрофга оқшом чўка бошлади. У шундан кейингина қишлоқ Совети биноси томон йўл олди. Ҳафтанинг охирида қишлоқ Советининг сессияси ўтказилади. Кун тартибидаги масала йиғим-терим кампаниясига тайёргарлик. Асосий докладчи йиғим-терим кампанияси штабининг бошлиғи, қишлоқ Советининг раиси Ойпари Шомуродова. Қўшимча докладчи штаб раисининг ўринбосари Абдурауф Бобоев.

Йиғим-терим кампаниясига бу йил жуда пухта тайёргарлик кўриляпти. Совхоз 2800 гектар ерга чигит эккан. Ўтган йили ҳар гектар ердан пландаги 8 минг тонна ўрнига 9400 тонналик хирмон кўтарилган эди. Перспектив планга мувофиқ хўжалик ўн биринчи беш йиллигининг охирига бориб 11 минг тонналик маррага етиши керак. «Партия XXV съезди» совхози меҳнаткашлари шу йилиёқ ҳар гектар ердан 40 центнердан пахта етиштириб, 11 минг тонналик хирмон уйиш ниятидалар.

Пахта йиғим-терими мавсумига асосий техника шай. 52 терим машинасининг 49 таси тахт қилиб қўйилди. Қолган учтаси бир ҳафта ичида тайёр қилинади. Бу йил пахтага ҳақ тўлаш тартиби ўзгартирилиши муносабати билан бир қатор қўшимча тадбирлар ишлаб чиқилди, хирмонлар тартибга келтирилди, лозим жойларга асфальт ётқизилди, тош-тарозилар жой-жойига келтирилди. Дала шийпонларидаги шарт-шароитлар яна бир бор текшириб чиқилди.

Абдурауф ака қишлоқ Совети раисининг хонасига кирганда Ойпари Шомуродова қишлоқ хўжалик ишлари бўйича доимий комиссия аъзолари Хошимжон Туронов, Раимжон Мирзақулов, Қозоқжон Мусаев, Анорқул Абдураззоқовлар билан нимадир муҳокама қилишар эди.

— Келинг, Абдурауфжон, биз суҳбатни бошлаб юбордик,— деди қишлоқ Советининг раиси,— яна анча ишлар бажарилибди, докладга қўшимчалар киритаяпмиз. Қолганлар ҳам келишса қарор лойиҳасини тайёрлашга киришамиз.

Чексиз далаларга, қишлоққа қалин тун пардасини ёя бошлади. Уйларда биринкетин чироқлар ўча бошлади. Чексиз далаларда сокинлик ҳукмрон. Кеча тинч бўлгани учун анча наридаги ўқариқдан сувнинг ариқларга жилдираб оққани эшитилади. Сувчи бир картани бўлиб, иккинчисига қулоқ очади. Гоҳида ариқларга қўшимча чим босади, уйқуси келмаган бригадир фонар кўтариб, сувчи билан ариқларни оралайди. Қоронғида яна учинчи киши пайдо бўлади. Тахминан у ҳам шу бригаданинг аъзоси. Ҳа, яқинда бу далаларда терим машиналарининг сурони кеча-кундуз ҳукмронлик қилади. Ҳозир ана шу катта «жанг» олдидан сокинлик. Ғўза ҳосилга ҳосил қўшаётган, «оқ олтин»нинг ишоналари пайдо бўлаётган пайтда пахтакорнинг уйқуси келмайди. У қалби билан пахтазорда.

Шу куни қишлоқ Советида эса ярим тунгача чироқ ўчмади. Доимий комиссия аъзолари катта йиғинга тайёргарлик кўрмоқдалар. Бу ерга пахтачиликни ипидан игнасигача биладиган кишилар йиғилишган. Улар чўнг ҳосил кўтариш учун тактик ва стратегик план тузишмоқда. Қимматли фикр ва мулоҳазаларини қоғозга туширишаяпти. Сессияда эса фикрлар, мулоҳазалар ҳаммаси ўртага ташланади. Эл вакиллари уларни муҳокама қиладилар, яна янги қимматли таклифлар билан бойитишади. Энг яхшилари тажрибада қўлланилади.

Б. ПЎЛАТОВ.

ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● КОБУЛ. «Япония-Афғонистон» дўстлиги жамиятининг делегацияси Афғонистон Демократик Республикасига қилган расмий визитини тамомлади. Делегация составига кирган таниқли япон жамоат арбоблари ёш республиканинг социалиқтисодий ривожланиш соҳасида эришган муваффақиятларини кўриб, бунга ишонч ҳосил қилдилар.

● ЛОНДОН. 7,5 миллиондан ортиқ инглиз, яъни мамлакатдаги бутун аҳолининг 13,4 процени қашшоқ ҳаёт кечирмоқда, яна 11,8 миллион киши қашшоқлик ёқасида турибди. «Маркет энд опинион ресерч интернэшнл» номли тадқиқотчи ташкилот тайёрлаган докладда шу ҳақда гапирилади. Британия оролларида бундай тадқиқот кейинги ўн йил ичида биринчи марта ўтказилди.

Докладда таъкидлаб ўтилишича, ўтган йили 7 миллионга яқин киши муттасил оч яшади. Уч миллиондан ортиқ инглиз истиқомат қилади, қарийб 7,5 миллион киши кун фаслида иссиқ кийим ёки бир жуфт пойабзал сотиб олиш имконига эга эмас. Англияда ишсизлар сони 3,2 миллион нафардан ҳам ошиб кетди.

● ДАМАШҚ. Пентагон Мисрда ва бошқа бир қанча мамлакатларда «Брайт стар-83» ҳарбий машқларини ўтказмоқда. Бу машқлар, дейилади Фаластин озодлиги демократик фронтининг бу ерда тарқатилган баёнотида, Яқин Шарқ ва Африка халқларининг тинчлиги ва осойишталигига хавф туғдиради. Америка империализми, деб таъкидлаб ўтилади ҳужжатда, иғвогарлик мақсадида ўтказилаётган ана шу машқ ёрдамида ўзининг агрессив ниятларини амалга ошириш, регионда АҚШнинг ҳарбий кучларини кўпайтириш мақсадини кўзда тутади.

● НЬЮ-ЙОРК. Ослода «Ядро қуролига ўрин йўқ!», «Америка ракеталарини Ғарбий Европада жойлаштиришга йўл қўймаймиз!», «Ядро қуролидан ҳоли бўлган зоналар вужудга келтирилсин!» деган шиорлар остида бошланган «Тинчлик юриши-83» Америка диёрида ўз йўлини давом эттирмоқда.

Юриш ташаббускорлари — Скандинавия мамлакатларидан юзга яқин хотин-қиз Делавэр штатидаги Уилмингтон шаҳридан ўтиб ҳозир Балтиморга (Мэриленд штати) қараб йўлга чиқдилар.

(ТАСС).

ХАЛҚАРО АҲВОЛ

АПАРТЕИДГА ҚАРШИ КУРАШЧИЛАР ФРОНТИ

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ТАЛАБИ

СТОКГОЛЬМ, 22 август. (ТАСС). Шимол мамлакатларининг Швециядаги Треллеборг шаҳрида бўлиб ўтган хотин-қизлар конференцияси қатнашчилари жаҳондаги давлатларга мурожаат қилиб, қуролланиш пойгасини тўхтатишни, ядро қуролини ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқишга чек қўйилишини талаб этдилар. Бу анжуманда Шимолий Европадаги мамлакатлардан социал таъминот, планлаштириш ва уй-жой қурилиши соҳасида ишлаётган 150 хотин-қиз иштирок этди.

Конференцияда қабул қилинган баёнотда шимолдаги мамлакатлар хотин-қизлари ядро қуролига қарши курашга актив қўшилишга даъват этилади. Баёнотда Ғарбий Европада Америкининг ўртача олисликка учириладиган янги ракета-ядро воситаларини жойлаштиришнинг олдини олиш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилади.

ПАРИЖ. (ТАСС). Жарнинг 400 га яқин касаба союз, ёшлар, спортчилар ва диний ташкилотлари вакилларидан 10 мингдан ортиқ киши Кейптаун атрофидаги Митчел-плейн шаҳрида ўтказилган митингда бирлашган демократик фронт тузилганлигини эълон қилди. Улар ирқчиликдан ҳоли бўлган ягона Жанубий Африка учун кураш миллий хартиясини қабул қилдилар.

Бир миллиондан ортиқ кишини бирлаштирувчи янги жамоат ташкилоти, деб таъкидлаб ўтилади ҳужжатда, апартеидга, ирқчиликка ва адолатсизликка қарши кураш олиб бориш ниятидадир. Манифестни тузган кишилар Преторня режимининг ирқчилик моҳиятини кескин танқид қилдилар. Якдиллик билан маъқулланган резолюцияда Апартеид давлати билан ҳарбий, иқтисодий ва молиявий жиҳатдан маҳкам алоқа боғлаган АҚШ ва Буюк Британиянинг снёсати кескин қораланади. Фронт составига кирган ташкилотлар ирқчи маъмурларнинг «конституцион ислоҳотлар» ўтказишига ҳар қандай восталар билан қаршилик кўрсатамиз, дедилар. Бу «ислоҳотлар» метисларни ва асли осиёлик кишиларни ҳокимият органларига киритишни чеклаб қўяди. Жанубий Африка Республикасида ана шундай шахслар «қора танлилар»дан деб ҳисобланади. Маъмурларнинг бу режаси Апартеид системасига қарши курашувчилар сафига нифоқ солиш, «қора танлилар»ни аҳолининг африкаликс кўпчилигидан ажратиб қўйиш, бир тўда оқ танли ирқчиларнинг зулми остида уларнинг ҳуқуқсиз аҳволини абадийлаштириш мақсадини кўзда тутади.

Митингда фронтнинг раҳбарлиги сайланди. Таниқли касаба союз арбоби Оскар Мпета, ЖАРдаги хотин-қизлар федерациясига асос солган Альбертина Сисулу ва дурбанлик адвокат Арчи Гумеде бу фронтнинг ҳамраислари бўлдилар. Бирлашманинг вакили Преторияга келадиган БМТ бош секретари Х. Перес де Куэльяр билан учрашишга ҳаракат қилади, деб эълон қилинди. Янги ҳаракат, деб таъкидлайди «Юманите» газетаси, Жанубий Африка Республикасида 50-йилларнинг бошидан буён кўп ирқ вакилларини ўз ичига олган энг катта коалициядир». Америкининг «Нью-Йорк Таймс» газетаси бу фронтни кейинги 25 йил ичида мамлакатда тузилган ва «ҳукуматга қарши ниш кўрадиган энг йирик ташкилот» деб атади.

ЧАДдаги интервенция миқёси кенгайтирилмоқда

ПАРИЖ, 22 Август. (ТАСС). Империалистларнинг Чаддаги қуролли аралашуви кучайиб бормоқда, бу аралашув асосан Қўшма Штатлар билан Францияниг Ҳинди-Хитойдаги ва Жазоирдаги ҳарбий авантюралари тарзида амалга оширилмоқда. Нжаменадан хабар қилишларича, интервенциячи қўшинлар қўмондонлиги миллий бирлик ўтиш ҳукуматининг кучларига қарши ҳужум тайёрламоқда. Африкадаги уруш ҳаракатлари каттта тажрибасига эга бўлган генерал Ж. Полининг умумий раҳбарлиги остидаги «Манта-2» операцияси доирасида Чад пойтахтига олтита «Ягуар» штурмчи самолётлари ва тўртта «Мираж» бомбардимончи — қирувчи самолётлар, шунингдек «КС-135» заправкачи самолёт етиб келди. «Ягуар» самолётлари, деб ўқтиради Франс Пресс агентлиги, анча олис масофага уча олади. 400 килограммлик бомба ва «Осмон ер» классидаги ракеталарни таший олади.

Хабар қилишларича, бу самолётлар Чаддаги экспедицион корпусга осмондан мадад берилишини таъминлаши керак. Франция ҳарбий қўмондонлигининг Нжаменадаги вакили И. Веронончнг айтишича, «Ягуар» ва «Мираж» самолётларининг вазифаси — Франциянинг Чаддаги позицияларини ҳимоя қилишдан иборат». Маълумки, бу позициялар олдинги марраларга суриб қўйилган.

Фран Пресс агентлигининг маълумотларига қараганда, Абешадаги француз қўшинлари икки баравардан зиёд кўпайтирилган, Абешадан Шимоли-Ғарбдаги Бильтин ва Арада шаҳарларига мадад кучлар юборишга ҳозирлик кўрилмоқда. Айни вақтда, маҳаллий телевиденнинг хабар қилишича, Жибути базасидаги француз жанговар самолётлари оширилган жанговар шайлик ҳолатига келтириб қўйилган.

«Катидьен де пари» газетасининг уқтириб ёзишича, Хабре отрядларига ва Чаддаги Занр десантчиларига ҳақиқатда француз офицерлари кўмондонлик қилмоқдалар.

АҚШ маъмурияти Парижни «янада қатъият билан ҳаракат қилишга мажбур этмоқда», деди Франциянинг собиқ министри М. Жобер «Матэн» газетаси мухбири билан суҳбатда.

Чаддаги ва унинг теварагидаги вазият кескинлашганлигидан ташвишга тушган Франция миллат мажлисининг социалистик партиядан сайланган бир гуруҳ депутатлари бош министр П. Моруани парламентда ҳукуматнинг позициясини тушунтириб беришга даъват этди.

ТРИПОЛИ, 22 август. (ТАСС). Франция ўзининг жанговар самолётларини Чадга юбориб, шу тариқа у, париждагилар даъво қилаётганидек асло «мудофаа»га эмас, балки ҳужум операцияларига тайёргарлик кўраётганини ошкор қилиб қўйди, дейилади Ливия ахборот агентлиги — ЖАНА шарҳида.

Француз ҳарбий қисмлари тобора кўпайтирилаётганлиги, Африка давлатлари Хабре томонидан можарога тортилаётганлиги, янги-янги қурол-яроғларни Нжаменага юбориш учун уларнинг территориясидан фойдаланилаётганлиги, деб уқтиради агентлик, Чаддагина эмас, шу билан бирга бутун регионда ҳам вазиятни ҳаддан ташқари кескинлаштиришга олиб бормоқда, Африка бирлиги ташкилотининг можарони миллий яратиш асосида бартараф этишга эришиш мақсадидаги ҳаракатларини барбод этмоқда. Франция Чадда бирдаркушлик урушини авж олдириш орқали у ерда вужудга келаётган вазиятдан ўзининг мустамлакачилик ҳукмронлигини мустаҳкамлаш учун фойдаланишга интилмоқда.

АГРЕССОР ТЎХТАТИЛСИН

ЛУАНДА. (ТАСС). Ангола Халқ Ресиубликаси ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. Ди Моуранинг БМТ бош секретарига йўллаган ва бу ерда тарқатилган мактубида бундай дейилган: Ангола Халқ Республикасидаги вазиятни издан чиқариш сиёсатини ўтказиб келаётган Жанубий Африка Республикасининг ирқчилар режими Мошико вилоятида яна ўта кетган даражада агрессия қилди.

Ҳужжатда кўрсатиб ўтилишича, Жанубий Африка ҳарбийлари Кунене вилоятининг маъмурий маркази Нжива аҳоли пунктини 1981 йил август ойидан бери окқупация қилишни давом эттирмоқда.

Айни вақтда ғарб матбуотида БМТ хавфсизлик кенгашига аъзо бўлган баъзи империалистик давлатларнинг зўр бериши билан Африка жанубида апартеид режими томонидан олиб борилаётган уруш тўғрисида лом-лим дейилмаётир. Бу ҳол ирқчиларнинг агрессияни кучайтиришларига ёрдам беради.

Ангола халқи ва унинг қуролли кучлари, деб таъкидланади ҳужжатда, босқинчиларни мамлакат территориясидан ҳайдаб чиқаришга ва миллий суверенитетни таъминлашга қатъий қарор бергандир. Биз ЖАРнинг янги агрессиясини қатъиян қоралаймиз. Бу агрессиядан кузатилган мақсад — Ангола территориясини парчалаб юборишдан ва БМТ хавфсизлик кенгашининг Намибияга мустақиллик бериш тўғрисидаги 435-резолюциясининг амалга оширилишига халақит беришдан иборат.

Ангола Халқ Республикаси ҳукумати БМТ секретариати вакилларига бу мамлакатга келиб, Претория милитаристларининг вайронгарчилик ишлари оқибатлари билан ўз жойида танишиб чиқишни таклиф этди.



Париж Чаддаги мавжуд француз ҳарбий хизматчиларига қўшимча равишда бу мамлакатга ҳарбий десант қўшинлари бўлинмасини жўнатди. Сиёсий шарҳловчилар Париж ва Вашингтон Чадҳамда унга қўшни мамлакатлар халқларига қарши очиқдан-очиқ тил бириктириб иш кўраётганликларини таъкидламоқдалар. Суратда: француз солдатлари Тулуз аэропортида Чадга жўнатилишдан аввал.

АП—ТАСС телефотоси.

Тошкентнинг 2000 йиллиги олдидан

«ЯНГИ ШАҲАР» ҚАНДАЙ БУНЁДГА КЕЛГАН

1865 йилда Тошкент Россияга қўшилганидан кейин «Янги шаҳар»га асос солинди. Бу шаҳарни қуриш учун Бўзсув ва Чаули ариқлари ўртасида жойлашган территория танлаб олинди. Уша вақтларда ҳозирги Урда кўпригидан, яъни Бўзсувнинг чап қирғоғидан то Чаули ариғигача чўзилган территорияда Қўқон ҳарбий қалъаси ўрнашган эди.

1913—1914 йилларда Тошкентда бўлган рус элчиси Ф. Назаровнинг исботлашича, Қўқон қалъаси қалин ва баланд девор билан ўралган бўлиб, деворларнинг таги бўйлаб икки кенг ва чуқур зовур қазилган.

1865 йили Тошкентни эгаллаган генерал Черняевнинг штаб-квартираси ва қўшинининг бир қисми Қўқон қалъасига ўрнашди. Шундан кейин деворлар бузиб ташланиб, зовурлар тўлдирилиб, янги кўчалар юзага кела бошлади. Ҳозирги Х. Сулаймонов ва Шаҳрисабз кўчаларининг ўрнида чуқур ва кенг зовур бўлган. 1865 йил Чаули қирғоғининг чап томонидан (ҳозирги ОДОнинг ўрнида) рус солдатлари учун ҳарбий лагерь қурилди. Уни қуришда ўзбек усталари қатнашган. Шу тариқа янги шаҳарнинг биринчи ғиштлари терилган эди. 1865 йилнинг августида Бўзсувнинг баланд қирғоғида (тупроқ қўрғон деб аталмиш) ҳарбий қалъани бунёд этишга киришилди.

Қалъа октябрь ойидаёқ битказилди. Унинг рўпарасига генерал Черняев учун махсус уй солиниб, атрофи боққа айлантирилди. Бу янги шаҳарнинг европа типидаги биринчи хонадони эди.

Ҳарбий истеҳкомдан Бўзсув бўйлаб янги кўча очилиб, унга Черняев номи берилди.

1866 йилда ҳарбий-инженер Колесников томонидан бўлажак янги шаҳарнинг бош планини тузилди ва Туркистон генерал-губернатори Романовский раислигида ташкилий комиссия тузилди. Комиссия шаҳар бош планини амалга оширишга киришди.

1870 йилларга келиб Бўзсув ва Чаули ариқлари ўртасидаги территориянинг деярли ҳаммаси ўзлаштирилиб, янги шаҳарнинг марказий қисми сифатида шаклланди. 1888 йилдан Чаули ва Салор ариқлари ўртасидаги территорияни ўзлаштириш кучайди. Ҳозирги Навоий катта академик опера ва балет театри ўрнида «Воскресенский базар» ташкил топиб, унда ўзбек савдогарларининг ҳам дўконлари бўлган. Кейинчалик янги шаҳар территорияси Сапёр ва Госпиталь кўчаларидан жануб томонга кенгайиб борган.

Қўшин сонини ҳисобга олмаганда янги шаҳар аҳолиси 1871 йилда 2073 кишига, 1875 йилда 4859 кишига етган. Шунча аҳолига 11 врач, 9 фельдшер, 3 акушерка, 4 дорихоначи, 11 музикачи, 6 ўқитувчи тўғри келган.

Аҳолининг сони 1887 йилда 6419 ва 1897 йилда 26860 кишига, 1910 йилда эса 69565 кишига етди.

Шу вақтга келиб шаҳарда пахта тозалаш, ёғ заводлари ишга туширилди. Шунингдек, арақ, пиво, вино, ғишт, совун, кўнчилик ва бошқа заводлар, гугурт ва тамаки фабрикаси, европа типидаги сув тегирмони, босмахоналар пайдо бўлди.

1899 йилда Ўрта Осиё темир йўли Тошкентга етказилди. 1906 йилда эса Оренбург—Тошкент темир йўли устахоналари юзага келди. Саноат корхоналари ва темир йўл устахоналарида маҳаллий ишчилар синфи шаклланиб борди, у бутун Россия революцион ишчилар синфининг ажралмас бир қисми бўлиб қолди. Ишчилар синфи рус, ўзбек, тожик, қозоқ, украин ва бошқа миллат вакилларидан ташкил топган эди.

Янги шаҳарда маданият ва фаннинг турли тармоқлари ўсиб борди. 1867 йилда драматик тўгарак, 1868 йилда драма санъатини севувчилар жамияти тузилди. Бу жамият А. Островскийнинг «Кўрпангга қараб оёқ узат» асарини саҳналаштирди. 1880 йилларда цирк артистлари Тошкентга келиб томоша кўрсатдилар. 1885 йилда эса махсус цирк (ҳозирги Ўзбекистон ССР давлат филармонияси) биноси қурилди. 1868 йилда ҳозирги Округ офицерлар уйи ишга туширилиб, унда баллар, маскарадлар, оилавий кечалар ўтказилиб турилган.

1890 йилда шоир Фурқат янги шаҳарда «Измаил» спектаклини кўриб рус театрига юксак баҳо берди ва Суворовга бағишлаб шеър ёзди. Шунингдек у рус музикасига атаб, «Рояль» шеърини ёзган. Янги музикачилар, рассомлар, архитекторлар келиб турдилар.

1870 йилда Туркистон халқ кутубхонаси (ҳозирги Навоий кутубхонаси) очилиши бутун ўлканинг маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Шу йили рус тилида «Туркистон ведомости», ўзбек тилида «Туркистон вилояти» газеталари чоп этилди. Кейинчалик «Рус Туркистони», «Окраина» ва бошқа газета ҳамда турли журналлар чоп этилди. Шунингдек, китоб магазинлари, химия лабораторияси, астрономия обсерваторияси ва метеорология станцияси, айрим медицина тармоқлари очилди. 1880 йилда маъмурият учун биринчи телефон ўтказилди. 1901 йилда конка (от билан юрадиган трамвай) ишга туширилиб, у Вокзал билан Чорсу ўртасида қатнаб турди. 1903 йилда ҳозирги Ленин проспекти билан Асакинский кўчаси ўртасида янги конка линияси ишга туширилди.

Янги шаҳар ўлканинг фақат сиёсий-маъмурий, саноат ва маданий марказигина эмас, балки савдо маркази сифатида ҳам муҳим роль ўйнай бошлади.

Хуллас, янги шаҳарнинг юзага келиши ва ривожланиши объектив, прогрессив оқибатларга эга бўлиб, бутун ўлкада саноат ва маданият соҳасидаги силжишларда, маҳаллий ишчилар синфининг шаклланиши ва революцион ҳаракатларнинг юзага келишида муҳим ўрин эгалланди.

Ж. ИСМОИЛОВА,
Узбекистон ССР Фанлар академияси тарих институтининг илмий ходими.



ЛИРИК МИСРАЛАР

ИККИ ҒАЗАЛ

Муборак, Олтин Юлдуз,
эй меҳнат қаҳрамони!
Сўзим айтгум юзма-юз,
эй меҳнат қаҳрамони!
Ҳар кимнинг ўз юлдузи
порлар эмиш осмонда,
Аммо бу бир гап ҳануз,
эй меҳнат қаҳрамони!
Осмондаги юлдузга
қараб-қараб хўб тўйдим,
Бу юлдузга тўймас кўз,
эй меҳнат қаҳрамони!
Кўкрагингга бу юлдуз
зеб бергунча яшадинг,
Кўкрак кериб ёзу куз,
эй меҳнат қаҳрамони!
Қандай гўзал иш билан
қадоқ бўлган бу қўллар,
Қанддек унга нону туз,
эй меҳнат қаҳрамони!
Ҳар кимнинг ўз юлдузи
виждонига ҳар оқшом,
Нелар кечди бу кундуз,
эй меҳнат қаҳрамони!
Кўксинг юлдузли кўкнинг
тимсолига айлансин,
Ўзинг кетиб юлдуз уз,
эй меҳнат қаҳрамони!

Юлдузли тунда ёзди
бу ғазални Жонибек,
Юлдуз нуридан бу сўз,
эй меҳнат қаҳрамони!

* * *

Чўлқувар чўлларни қувди
чўлда бўстонни кўринг,
Нега ҳайронсиз, юринг,
ҳайратли ҳар ённи кўринг.
Зим-зиё тун ўрди чўллар
энди тун чўккан замон
Бу замин оғушида
юлдузли осмонни кўринг,
Шуҳрату шон аслида
меҳнатдан унган мевадир.
Шуҳрату-шонлар яратган
марди-майдонни кўринг.
Нозу неъмат, дурру
гавҳар
зарру зевар ғазнаси,
Не балолар кони эрди,
бебаҳо конни кўринг.
Чўл деманг, чунки бу
сўз
ўчгай луғатдан оқибат,
Чин гулистон қўйнида
чин роҳати жонни кўринг.
Жонибек раҳмат ўқир
бу давру даврон шаънига,
Бахту толе ҳосили —
бу давру давронни
кўринг.

ЖОНИБЕК.

ЁШЛИГИМ

Чаманларга қиёс эрур ғунча хандон ёшлигим,
Меҳри тошқин, қалби дарё, азми уммон ёшлигим.
Инсон умрин гул баҳори деганлардай ҳушнирай,
Кулгу ўйнар чеҳрасида, бахтли, шодмон ёшлигим.
Ғайратида олам кучи, жасоратда тенги йўқ,
Ҳар жабҳада шараф қўчган марди-майдон ёшлигим.
Она элим меҳнаткашу олтин қўлли фидокор,
Водийларни гулшан айлаб, урар жавлон ёшлигим.
Ишқ-муҳаббат бобида ул дарс ўқир булбулга ҳам,
Севги куйин куйлаганда бир ғазалхон ёшлигим.
Ҳур замоннинг гулларимиз, кўркидир қалб нуримиз,
Деймиз; Ватан яшнаб бўлсин боғу бўстон ёшлигим.
Норхол ёшлигининг куйла мудом илҳом билан,
Ватан меҳри йўлларингда нур-чароғбон ёшлигим.

Норхол ОЧИЛОВА,
Бўка райони.

ШИФОКОР МАСЛАҲАТИ

ОЛДИНИ ОЛГАН МАЪҚУЛ

ОДАТДА касални даволашдан кўра, унинг олдини олиш маъқул, дейишади. Чунки ҳар қандай касаллик ҳам—хоҳ енгил, хоҳ оғир бўлишидан қатъий назар, киши организмида ўз асоратини қолдиради. Жумладан, ўткир ичак инфекциялари даволангандан кейин ҳам киши соғлиғига салбий таъсир қилувчи касалликлардан ҳисобланади.

Бу касалликнинг келиб чиқиш манбаи микроблар бўлиб, улар одам организмига оғиз орқали тушиб, ичакларда ривожлана бошлагач, киши дардга йўлиқади. Дизентерия, сальмонеллез, колиинфекция, ич терлама, паратифлар, вабо ва шу каби бошқа ичак инфекциялари билан барча ёшдаги кишилар оғрийди. Бироқ бу касаллик болалар ҳаёти учун, айниқса, хавфлидир.

Дизентерия жуда юқумли бўлиб, уни дизентерия таёқчалари келтириб чиқаради. Касалликнинг яширин даври бир кундан то етти кунгача давом этади. Бу вақт ичида инсон организмида, руҳиятида ўзгариш рўй бермайди. Лекин маълум муддат ўтиб киши ҳақиқий дизентерия билан оғриб қолгандан сўнг тана ҳарорати кўтарилади, ичи тез-тез, аммо оз-оздан юришади. Бир кечакундузда 10—15 марта, баъзан 20 мартагача шиллиқ ва қон аралаш кетади.

Ҳозирги пайтда кишилар, хусусан, ёши катта болалар ўртасида касалликнинг енгил ва яширин турлари тобора кўп учрамоқда. Бунда беморнинг умумий аҳволи унча ўзгармайди, тана ҳарорати нормада бўлади. Қориндаги оғриқ деярли безовта қилмайди.

Дизентерия билан оғриган бемор вақтида врачга бориб, яхши даволанмаса ҳамда режимга риоя қилмаса, касаллик асорат бериб, сурункали кечадиган бўлиб қолиши мумкин. Касалланган болани вақтида касалхонага ётқизиб даволаганда бундай ҳолнинг олди олинади.

Ўткир ичак инфекцияларининг кенг тарқалган катта группаларидан бири салмонеллезлар бўлиб, уларни салмонелла туркумидаги микроблар келтириб чиқаради. Йилнинг ҳар қандай фаслида, айниқса, ёзда кўп учрайдиган бу микроорганизмлар одамларда ва ҳайвонларда (қорамол ва шохли ҳайвонлар, қушлар, кемирувчилар ва бошқаларда) турлича намоён бўладиган касалликнинг бош сабабчиларидир.

Бу касаллик билан 2 ёшгача бўлган болалар кўп оғрийди. Касалликнинг яширин даври одатда бир неча соатдан 2—3 кунгача давом этади. Лекин кўпинча касаллик кескин равишда, бирдан бошланади. Бола тинмасдан қуса бошлайди, суткасига 15—20 марта ичи кетади, нажаси шиллиқ, тўқ рангда бўлиб, кўринишдан ботқоқ лойини эслатади. Ҳарорати 39—40 даражага кўтарилиб, организми тез орада сувсизланиб қолган бола ҳолсизланади. Атрофидаги нарсаларга қарагиси ҳам келмайди. Териси оппоқ, кулранг тус олади. Бундай кезларда шошилинч медицина ёрдамигина унинг ҳаётини сақлаб қолиши мумкин.

Ич терламани шу касаллик бактериялари келтириб чиқаради. Унинг яширин даври ўрта ҳисобда икки ҳафта давом этади. Касаллик аста-секин бошланиб, ҳафта мобайнида беморнинг ҳарорати 39—40 даражага кўтарилади. Мадорсизланиш, бош оғриши, уйқу бузилиши ва ич қотиши шунинг натижаси туфайли рўй беради. Касалликнинг иккинчи ҳафтасидан бошлаб бемор атрофидагилар учун хавфли ҳисобланади.

Бу касалликларнинг барчаси бемордан ёки касаллик қўзғотувчи микроблардан зарарланган сув, озиқ-овқат ва уй-рўзғор буюмлари ёки бактерия ташувчилари орқали юқади. Бу ўринда пашшалар ҳам катта роль ўйнайди.

Болаларни ўткир ичак инфекцияларидан сақлашнинг кўпгина усуллари бор. Бу аввало ўзимизга боғлиқ. Эҳтиёт чораларига қатъий риоя қилинса, бола асло касал бўлмайди. Бунинг учун оилада бирор кишида касаллик аломатлари пайдо бўлиши биланоқ врач қабулига бориши керак. Касал хонага ўз вақтида ётқизилган бемор тез соғаяди. Касаллик тарқатувчи микроблар бошқаларга ўтмайди.

Касалликнинг олдини олиш масъулияти, айниқса, уй бекалари, ёш болали оналар зиммасига зийрак ва талабчан бўлиш вазифасини юклайди. Шу жиҳатдан қараганда уларнинг кундалик муҳим вазифаларидан бири болани ўз вақтида тўғри овқатлантириш, тозаликка, шахсий гигиенага қатъий амал қилишдир.

А. ИЛИКОВА,
область санитария маорифи уйининг врач-методисти.

БЕКОБОД РАЙОНИДА

ЯНГИ САВДО ШАХОБЧАСИ

Ленин номли колхознинг 1-участкасида янги аралаш моллар магазини фойдаланишга топширилди. Умумий майдони 80 квадрат метр бўлган бу савдо шахобчасида 4 та бўлим ташкил қилинган бўлиб, товарларни сақлаш ва харидорларга намойиш этиш учун зарур шарт-шароитлар яратилган.

М. ИСМОИЛОВА.

«ЎЗ САНЪАТКОРЛАРИМИЗ»...

Навоий номли колхоз меҳнаткашлари бадиий ҳаваскорлик тўгарагининг аъзолари Раъно Зиёева, Нодира Тошбоева, Санобар Хоннозоваларни фахр билан ана шундай аташади. Бу хушовоз хонанда ва раққосаларни мўл ҳосил учун кураш қизғин тус олган шу кунларда дала шийпонларида учратасиз.

Ёш санъаткорлар тушлик вақтида дилрабо куй ва қўшиқлар ижро этиб ҳамқишлоқлари дилини хушнуд этиш билан бир қаторда ғўза парваришида яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Р. ЭСОНОВ.

БИЛИМ ЮРТИДА ХАЙРЛАШУВ КЕЧАСИ

Бу йил район педагогика билим юртини турли ихтисосликлар бўйича 272 нафар қишлоқ ёшлари муваффақиятли тамомлаб чиқди. Яқинда бўлиб ўтган хайрлашув кечасида билим юртини имтиёзли дипломлар билан тугаллаган Р. Аннамуродова, А. Жумабоева, С. Абжалова, Ш. Сариқуловалар сўз олиб, тенгдошлари номидан устозлар ишончини оқлашга қатъий ваъда бердилар.

К. МАВЛОНОВ.

ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАДИНГИЗМИ?

МАОРИФЧИЛАР ИБРАТИ

Шу кунларда турли ташкилотларда 1984 йил матбуот нашрлари учун обуна бошланиб кетди. Бу ишда Оққўрғон район халқ маорифи бўлими ходимлари ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Улар шу кунга қадар 500 сўмдан ортиқ газета ва журналларга ёзилишди. Р. Тоирова, Л. Ваҳобова, Д. Хегай, А. Тўйчиев, Г. Бектемирова каби обуначиларнинг ҳар бири янги йилдан бошлаб 5—6 номдаги матбуот нашрларини ола бошлайдилар.

Т. ЗОКИРОВ.

Бўка районидаги «Ленинизм» колхозида жойлашган Ф. Энгельс номли 12-мактаб ўқувчиларининг қувончлари чексиз. Янги ўқув йили бошланиши арафасида улар ҳузурига Латвия ССР Огрск районидаги Мадлиена қишлоғи ўрта мактаби ўқувчилари меҳмон бўлиб келдилар. Икки мактаб «Интернационал дўстлик клуби» аъзолари ўртасида бундай дўстона алоқанинг йўлга қўйилганига 10 йилдан ошди. Латвиялик ёшлар колхозчи ота-оналарига ёрдам бераётган дўстларининг меҳнат ютуқлари ҳамда 1 сентябрга тайёргарликлари билан яқиндан танишдилар. Дўстона суҳбат ва учрашувлар қардошлик куйи янграган оқшом тароналарига уланиб кетди.

Суратда: ўзбекча рақс оҳанглари янграганда.

В. Портнов фотоси.

✦ СПОРТ ✦ СПОРТ ✦ СПОРТ ✦ СПОРТ

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

● ЕНГИЛ АТЛЕТИКА. Лондоннинг «Кристалл пэлис» стадионида Европа кубоги учун мусобақалар бўлиб ўтди. Совет спортчилари икониятлари даражасида қатнаша олмадилар. Мисол учун 400 метрга эстафетали югуришда Хельсинкида ўтказилган жаҳон биринчилиги ғолиби бўлган командамиз бу сафар учинчи ўрин билан кифояланди. Тошкентлик С. Ловачев эстафетали югуришда, шунингдек, 400 метрга шахсий бахсда иккита бронза медалини қўлга киритди. 400 метрга тўсиқлар ошга югуришда яна бир вакилимиз Александр Харлов 49,53 секунд натижа билан кумуш медаль эгаси бўлди. Аёллар ўртасида бир йўла икки спортчи ГФР вакили Мэйфарт ва совет спортчиси Тамара Бикова 2 метр 3 сантиметр баландликдан ошиб ўтиб, жаҳон рекорди автори бўлишди. Команда ҳисобида 117 очко тўплаган ГДР спортчилари ғолиб келдилар. СССР командаси 106 очко билан иккинчи ўринни олди.

● ФУТБОЛ. ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ёшлик» совғаси учун Бутуниттифоқ финал ўйинлари Нальчик шаҳрида бўлиб ўтди. Республикамиз ўсмирлар командаси охирги турда украиналик тенгдошларига 0:2 ҳисобида ютқазиб қўйдилар. Грузия ва РСФСР командалари биринчи ва иккинчи ўринларни олишди. Тўрт команда — Украина, Москва, Арманистон ва Ўзбекистон футболчилари тенг очко тўпладилар. Вакилларимиз тўплар нисбатига кўра сўнгги олтинчи ўринда қолишди.

Иккинчи лига вакиллари навбатдаги ўйинларни ўтказдилар. Тошкентнинг «Старт» командаси ўз майдонида «Нефтянник» клубини қабул қилиб 2:3 ҳисобида енгилди. Фарғоналик футболчилар 51 очко билан ҳамон зонада пешқадамлик қилишмоқда. «Соҳибкор» футболчилари «Хоразм» командаси билан бўлган ўйинни 1:1 ҳисобида дуранг қилишди.

● ЭШКАК ЭШИШ. Ўсмирлар ўртасида Европа чемпионати Варшавада бўлиб ўтди. Мамлакат терма командаси сафида қатнашган тошкентлик Т. Числова билан Г. Шарафуддиновалар 500 метр масофага икки кишилик ва тўрт кишилик қайиқларда стартга чиқиб, иккитадан олтин медални қўлга киритдилар.

Редактор ўринбосари
С. Ғ. МУСАЕВ.

Реклама ва эълонлар

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ «ЭЛЕКТРОМОНТАЖ» ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРЕСТИ БАЗАСИДАГИ 11-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1983—84 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисосликлар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайди: ёритиш бўйича электромонтажчи, ёритиш тармоқлари бўйича электромонтажчи, кучланиш тармоқлари ва электр ускуналари бўйича электромонтажчи, электрослесарь, электр-газ пайвандчи, никелловчи занжирли коммутация бўйича электромонтажчи, лифтларни монтаж қилиш бўйича слесарь монтажчи, автоматика ва контроль-ўлчов асбоблари ремонти бўйича слесарь, киномеханик (фильмларни текшириш ишларини биладиган).

ЎҚИШ МУДДАТИ — БИР, ИККИ ВА УЧ ЙИЛ.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ 15 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ЙИГИТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Билим юртига 8 синф ҳажмида маълумот билан кирганлар уч йил таълим оладилар ва уларга касб эгаллаганлиги ва тўлиқ ўрта маълумот олганлиги тўғрисида диплом берилади.

Ўқувчилар кунига уч маҳал иссиқ овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўрта маълумот билан ўқишга кирганлар ҳар ойда 70 сўмдан стипендия оладилар (киномеханиклардан ташқари).

Ишлаб чиқариш практикаси даврида топган меҳнат ҳақининг 33 процентни ўқувчиларга берилади (электромонтажчилар группасининг ўқувчиларига эса 50 проценти берилади).

Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар электромонтажчи ихтисоси бўйича ўқишга кирсалар, улар учун ўқиш муддати қисқартирилади: ўрта маълумотлилар учун 7,5 ой, 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун эса 10,5 ой.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Билим юртини битирганлар техникум ва олий ўқув юртларига кириб ўқишда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртини имтиёзли диплом билан тугатганлар корхоналарда мажбурий ишни ўтамасдан ўрта ва олий ўқув юртларига кириб ўқишни давом эттириш учун йўлланма билан юборилади.

Билим юртида яхши спорт базаси мавжуд, 14 та спорт секциялари, шунингдек техника ижоди, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларн ишлайди.

АРИЗА ВА ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: билим юрти директорининг номига ёзилган ариза, таржимаи ҳоли, характеристика, маълумоти тўғрисида ҳужжат, медицина справкаси, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 3х4 см ҳажмидаги 4 дона фотосурат.

Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт), **ҳарбий рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома** (ҳарбий билет) **шахсан кўрсатилади.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Фрунзе район, Ивановолик тўқувчилар кўчаси, 8-уй (2, 3, 33, 34, 58, 66, 70, 79-автобуслар; 5, 6, 7, 9, 11, 24-трамвайлар; 2, 6, 13, 15, 16-троллейбусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати).

«КУЗНЕЧИК» САКРАШГА УРГАТАДИ

ЯНГИ ПНЕВМАТИК «КУЗНЕЧИК» ТРЕНАЖЕРИ



Сизга қорин ва оёқ мушакларини мустаҳкамлашда ёрдам беради. «Кузнечик»да бажариладиган якка ва группали спорт ўйинлари қизиқарли ва серҳаракат бўлиб, турғунлик ҳиссиётини мустаҳкамлайди.

Ушбу спорт снарядида болалар ҳам, катталар ҳам шуғулланишлари мумкин. Машғулотларни очиқ майдонларда ва спорт заллларида олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

БАҲОСИ — 28 сўм.

«РЕКЛАМА» Марказий реклама агентлиги.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40 — Мультфильм. 10.20 — «У сизни севади». Бадиий фильм. 11.40 — «Киносаёҳатчилар клуби». 12.40 — Концерт. 13.10 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 —Телевизион ҳужжатли фильмлар. 16.20 — Рус тили. 16.55 — «Горнчилар, қаердасиз?». 17.40 — «Қадрдон ўлка тароналари». 17.55 — Киножурнал. 18.15 — «Ёшлар адреслари». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — Мультфильмлар. 20.00 — «Кафедра». Телевизион спектакль премьераси. 21.30— «Время». 22.05 — «Кафедра» спектаклининг давоми. 23.00 — «Дунё воқеалари». 23.15 — Сув спорти турлари бўйича Европа чемпионати. 24.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Жалгирис» — «Динамо» (Минск).

МТ-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.20 — Телевизион ҳужжатли фильм. 10.10 — «Совет тасвирий санъати». 10.55 — «Сизга манзур шеърлар». 11.25 — «Ота-оналар, Сизлар учун». 11.55 — Немис тили. 12.25 — Болалар учун фильм. 13.40 — Илмий-оммабоп фильмлар. 14.20 — Концерт. 14.50 — Ҳунар-техника билим юртлари ҳақидаги энг яхши кўрсатувлар учун Бутуниттифоқ конкурси. 15.50 — Мультфильмлар. 16.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Ҳужжатли фильм. 19.20 — Фильм-концерт. 19.30 — В. И. Савин хотираси учун волейбол бўйича Халқаро турнир. 20.00— Сув спорти турлари бўйича Европа чемпионати. 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — «Хатларингиз асосида». 21.30 — «Время». 22.05 — Олти серияли телевизион бадиий фильм, 3 ва 4-сериялар. 23.50 — Концерт.

УзТВ-I. 12.35 — «Бирга бўлсак ҳаммамиз». 13.15 — Концерт. 13.55 — «Интилганга толе ёр». Телеспектакль. 1-қисм. 15.15 — «Қамал». 2-фильм, «Пулково меридиани». 16.30 — Телефильм. 18.05 — Мультфильм. 18.25 — «Ёшлик». 18.45 — «Ижод саҳифалари». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Инсон ва қонун». 20.15 — «Ноз-неъмат бунёдкори». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Лирик концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Бугун оламда нима гап?». 22.20 — «Қамал». 3-фильм. «Ленинград метрономи». 24.00 — Янгиликлар.

ОЛМАЛИҚ ПИВО ЗАВОДИГА
ачитқи ишлаб чиқариш технологлари
КЕРАК
Шартнома келишувга асосан тузилади.
Мурожаат учун адрес: Олмалиқ шаҳри, Заводская кўчаси, 5-уй. Телефонлар: 4-48-04, 5-23-17, 5-47-03.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БИЗНИНГ АДРЕС:
700000. Тошкент—П,
ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь—334808, 325353, секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

Р. 02106. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. Б—1668.